



ИНСОН ВА ҚОНУН

25 август 2020 йил / № 31-32 (1235-36)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Мавҳум ТАСАВВУР

— Виждон нима ўзи? — дея сўз бошлади пан Лацина. — Менимча, ҳозир бу сўз бошқачароқ маънода шилатилади. Балким, уни эндиликда “мавҳум тасаввурлар” тоифасига киритса бўлар, ҳайтовур, асту бизга барибир эмасми? Билмадим, сизлар фабриканти Гирке воқеасини эшитганмисизлар, йўқми, уни жудаям бой ва обрўли, қадди-қомати келишган, паҳлавон келбатли жаноб, дейишарди.

11-БЕТ



ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИК:
ТАБИАТ ВА ТИРИКЛИК МОҲИЯТИ 3-БЕТ



СУДГА БОСИМ ЎТҚАЗИШГА
ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚКИ ЙЎК 4-БЕТ

ГЎШТ НАРХИ
100 000 СЎМГА ЕТДИМИ? 6-БЕТ

УЛАР МИЛЛАТ БУТЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИКНИ КУЙЛАШГАН



ВАТАННИ СУЙМАК

ВАТАН. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани, дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто, бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар арабистонларини, кумлик, иссиғ чўлларини, эскимулар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди.

Боболаримиз “Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл”, демишлар.

Расули ақрам набийи муҳтарам саллоллоху алайҳи васаллам афандимиз: “Хуббул — ватани минал имони — ватанни суймак имондандур”, демишлар.

*Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на гам, қолур авлодима уй-у ватаним.
Губора дўнса гамим йўқ вужуд зери ваҳм,
Чароки ўз ватаним ҳоқидур гўр-у кафанним.
Туғуб ўсан ерим ушбу ватан вужудим хок,
Ўлурса аслина рожеъ бўлурми ман гамнок?
“Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”дан олинди.*

2-БЕТ



Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиклол йўлини босиб ўтди.

Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Озодлик — бу икки қарра икки тўрт эканлигини айтиш ҳуқуқи борлиги.

(Жорж Оруэлл)

Озодлик, бу куч ва қонун билан таққиланмаганларни қилиш дегани.

(Юстиниан I)

Неъмат бўлмас озодликдан яхшироқ.

(Афзалиддин Хоқоний)

Эҳтиёжни жиловлашнинг буюк меваси — озодликдир.

(Эпикур)

Таҳририятга келган мурожаат ишобий ҳал этилди

Таҳририят ушбу мурожаатнинг қонуний ечимини топиш мақсадида фуқаро аризасини Наманган вилоят прокуратурасига юборди.
— Аниқланишича, М.Раҳимов 2014 йилда тошни кесиш, ишлов бериш ва пәрдоэлаш фаолиятига ихтисослаштирилган “Чуст Алмаз-Грант” МЧЖни ташкил қилиб, давлат рўйхатидан ўтказган.
МЧЖнинг таъсис шартномасига асосан, фуқаро М.Раҳимовга 15 фоиз, фуқаро С.Темуровга 15 фоиз ҳамда

фуқаро Ф.Ботировга 70 фоиз улуш тақсимланган.

Чуст туманлараро судининг 2019 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан, қарздор “Чуст Алмаз-Грант” МЧЖдан ундирувчи ТИФ “Миллийбанк” Чуст туман филиали фойдасига жами 1.993.708.659 сўм кредит қарздорлик ундириш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюроси Чуст туман бўлимига 2020 йилда келиб тушган ва бюро томонидан иш юритувига олинди,

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА Наманган вилояти, Чуст туманида яшовчи фуқаро М.Раҳимов “Чуст Алмаз-Грант” МЧЖ таъсисчиси Ф.Ботировнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб мурожаат қилган эди.

белгиланган ижро ҳаракатлари амалга оширилди ҳамда 2020 йил 14 январда МЧЖга тегишли бўлган “Тош майдалаш саралаш усуналари линияси” давлат ижросини томонидан хатланган.

Ижро ҳужжатида кўрсатилган талаблар бажарилмаганлиги учун 2020 йил 25 январда МЧЖ раҳбарига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1981-моддасига асосан 2.223.00 сўм жарима қўлланилган.

Ижро ҳаракатлари давомида

“Чуст Алмаз-Грант” МЧЖ раҳбари Ф.Ботировдан жами 822.270.000 сўм пул маблағи ундирилиб, ундирувчи ТИФ “Миллийбанк” ҳисоб рақамига ўтказилди.


Шунингдек, М.Раҳимовга келгусида юқоридаги ҳолат юзасидан белгиланган тартибда Иқтисодий судга мурожаат этиши мумкинлиги тушунтирилди.

Х.Т.АДИЛОВ,
Чуст туман прокурори

Улар миллат бутлиги ва МУСТАҚИЛЛИКНИ КУЙЛАШГАН

Биз ким ва нималардан қўрқамиз?

Абдулла КОДИРИЙ



Ҳар кимнинг ўзига яраша қўрқатурган нарсаси бўладир. "Иштонсизнинг чўпдан ҳадуғи бор", дегандек, шу вақтда иштонлик инсон — ҳадуксиз одам эҳтимол йўқдир. Туркистон истастика идорасининг кейинги йўқган ҳисобига қараганда, иштонсизлар бананъжи кўпайибдирларки, биз уларни айнан куйида кўчирамиз:

Мустамлақачи — аччиқланган чоғида сирининг очилишидан қўрқадир.

Ҳар турлук идора мудирлари — сайлов яқинлашса мансабдан тушиб қолишдан қўрқадирлар.

Янги кўз очқан ҳисобсиз ўзбек шоирча ва шоирчалари — минг машаққат билан азобланиб ёзган шеърларининг газеталарда босилмай қолишидан қўрқадирлар.

Тутантируқсиз мақола ёзишга ўрганган муҳаррирлар — тўсундан тегиб қолатурган танқид калтагидан қўрқадирлар.

Бой ва совдагарлар — айниқса буларнинг қўрқунчлари поёнсиздир...

Чунончи: дўкон совдаси яқинлашса, ижарани ошириб юборатурган

яканчиларда қўрқадирлар, қўлларига кўпроқ пул йиғилиб қолса, моллар ошиб, пул курсининг тушиб кетишидан қўрқадирлар, қўлида анчайин қоғоз кўтарган кишини кўрсалар "торговой налўғ" тушмоғидан қўрқадирлар, рўза ойи кириб закот бериш эска тушса, моллар ҳисобини олишдан қўрқадирлар... Ҳар ҳолда бу дуркум халқ учун ер ҳам қўрқунч, қўқ ҳам қўрқунч. Фақат қоро ернинг остигина тинчдир!

Камбағал деҳқон ва ишчилар — кунсайин бозор баҳосининг бирга бир кўтарилишидан қўрқадирлар.

Хукумат идораларидаги порахўрлар — порахўрлик билан кураш бошлангандан бери ўзларининг сояларидан ҳам қўрқадирлар.

Қўқдаги булутлар — ёғмай, деса Худонинг буйруғидан, ёғай деса ердаги махлуқларнинг чиртинг-пиртингидан қўрқадирлар.

Ўзбек хотунлари — эрларининг калтагидан, қизлари кўчага чиқай, деса оналарининг туртуғидан қўрқуб, песпар моховдан, моховлар песпдан,

аживалар тараладан, таралалар аживадан; қисқаси катта-кичик, ясси-япаски, қингир-қийшиқ, узун-қисқа ҳаммалари ҳам қўрқоқдирлар...

Ман нима ва кимдан қўрқаман?

Айниқса, маним ишим жуда ҳам қийин: ёзай десам, ошна-оғайнининг шўртумшўқлигидан, ёзмай десам "Муштум" поччанинги жекиригидан қўрқаман.

Яна бундан бошқа қўрқатурган икир-чикирларим:

— Эски шаҳар кўчаларидан юрсам, бетимга лой сачрашидан қўрқаман.

— Ёғмур ёққан кунларида Эски шаҳар расталарининг ағнаб кетишидан, совдагарларнинг тўнуз кўпишидан қўрқаман.

— Билим юртлари ёнидан, бошланғич мактаблар қаршисидан ўтуб қолсам, истиқболдаги алвир-шалвир ўзбек маданиятидан қўрқаман!

Ҳарҳолда маним ҳам қўрқунчларим ўзимга етарлик...

Ассалому ала маниттабаъл-Худо.

1923 йил

"Муштум" журналида босилган.

Абдулҳамид Чўлпон



Сенинг қаттиқ сир — бағрингни кўп йиллардир эзганлар, Сен безсанг-да, қаргасанг-да, кўрагингда кезганлар. Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳақи йўқ хўжалар, Нега сени бир қул каби қизганмасдан янчалар? Нега сенинг қалин товшинга "кет" демайди уларга? Нега сенинг эркин кўнглини эрк бермайди қулларга? Нега тагин танларингда қамчиларнинг қулиши? Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши? Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг? Нега бунча умидсиздир туршинг? Нима учун кўзларингда туташувчи олов йўқ? Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ? Нима учун газабингни уйғотмайдири оғу-ўқ? Нима учун борлигинда бу даража бузғунлик? Нима учун ўч булутти селларини ёғдирмас? Нима учун куч тангариси бор кучи-ла солдирмас? Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий, Қўлоғинга ўтганлардан эртақ тўқий. Кел, кўзининг ёшларини суриб олай. Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай. Нима учун ағдарилган, йиқилган Оғир тойнинг заҳар ўқи кўксингда? Нима учун ёшларингни бир замон Йўқ қилгундай темирли уч йўқ сенда? Эй, ҳар турли қўлликларни сиздирмаган ҳур ўлка, Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар қўланка?

Андижон, 1921 йил, "Бузилган ўлкага" шеърдан олинди.

ОНА АЛЛАСИ КАБИ АЗИЗ

"Мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқларни эслаш ва эслатиш онгу шууримизни тозалайди. Мустақиллик байрами муносабати билан бошланган ишлар 1 сентябрь арафасида бошланиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги, доимий равишда давом этиши лозим. Бинобарин, озодлик руҳи ва кайфияти йил 12 ой давом этсин. Содда қилиб айтганда, миллий гурур ва озодлик туйғуларини одамлар қалбига синдириш усуллари, қуруқ гап ва расмиятчиликдан холи бўлиши керак. Шунинг учун салқин кабинетларда жон сақламасдан юракка яқин

ва дангал фикрлар билан халқ ичига кириб боришимиз ҳамда эзгу ниятларни, гоё-туйғуларни тушунтириб беришимиз зарур. Широбозлик ва баландпарвоз гаплар ҳеч нарса бермайди. Керак бўлса, биз мустақиллик гоёсини гўдақ қўлоғига азондек қуйишимиз керак. У она алласи бўлиб фарзандларимиз вужудига кирсин. Қачонки, истиқлол деганда юракларимиз ҳапқириб, тўлқинланиб кетса ва кучимизга куч қўшилса, биз бир бутун енгилмас халққа айланамиз".

2000 йил.



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

Қуллуқ қил демасман. Юрт тупроғин ўп, Унга қуллар эмас, фидолар керак. Унинг сену мендек шоирлари кўп, Буюк элга энди даҳолар керак. Қаддингни баланд тут, Бўлма сертаъзим, Чўққа бўлполмасан, маҳкам қоя бўл. Пуллапоё бўлдим сенга, азизим, Сен ҳам гал келганда пуллапоё бўл.

1984 йил.



Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони



АТРОФ-МУХИТГА ЖИДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАН ЭКОЛОГИК ХАВФ, ЎРНИ КЕЛГАНДА, ҲАТТОКИ ЯДРО ТАЛОФАТИ ВА ТЕРРОРИЗМДАН ҲАМ ДАҲШАТЛИРОҚ БЎЛИБ, ЕР ЮЗИДАГИ БАРЧА ХАЛҚЛАРНИ ТОБОРА БУ ҲАҚДА ЧУҚУРРОҚ УЙЛАШГА МАЖБУР ЭТМОҚДА. ЗЕРО ИНСОНИЯТНИНГ ТАБИАТГА ҲУҶСИЗЛАРЧА МУНОСАБАТИ ТАБИАТ, ЖАМИЯТ ВА ИНСОМ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБИЛНИНГ БУЛИШИГА ҲАМ САБАБ БЎЛМОҚДА.

ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИК: ТАБИАТ ВА ТИРИКЛИК МОҲИЯТИ

(Биринчи мақола)

Ана шу маънода, экологик муаммоларни ўз вақтида ҳал этиб бориш, нафақат, кишиларга соғлом ҳаёт кечириш ва фаровон яшаш имкониятини яратди, аини чоғда, гўзал сайёрамиз ўз жозибасини йўқотиш, тириклик учун яроқсиз бўлиб қолиши хавфини ҳам барта- раф этади. Аянчи томони шундаки, ҳар йили дунёда 12 миллиондан ортиқроқ киши атроф-муҳит ҳолати: ҳаво, сув сифати ёки кўзга кўринмас кимёвий моддалар сабабли оламдан кўз юммоқда. Кўпчилик тўфонлар, қурғоқчилик ёки иқлим билан боғлиқ пандемик инфекциялар касалликлардан вафот этаяпти. Жумладан, бугунги кунда дунё бўйлаб корона- вирусга чалинганлар 22 миллиондан ортиқ, вафот этганлар сони эса 1 миллионга яқинлашмоқда.

Экология ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида келиб чиқадиган касалликлар тўғрисида ҳар йили сайёрамизда таъмин 5 ярим миллион киши ҳалок бўлади. Афсу- ски, 2050 йилда бу рақам 6 миллион кишидан ортиб кетиши тахмин қилинмоқда.

Бу соҳада мамлакатимизда Президентимиз томонидан "Корона- вирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқла- рига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чо- ра-тадбирлар тўғрисида"ги Фар- монини қабул қилиниши пандемия шароитида кўплаб муаммоларни иқобий ҳал этишга ҳуқуқий асос бўлди.

Давлатимиз раҳбари Олий Маж- лис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида: "Айни вақтда бутун дунёда экологик муаммолар тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги кунда бу соҳа- даги ишларни, афсуски, етарли ва қониқарли, деб айтолмаймиз. Бу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракати куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Маълумки, аҳолини, айниска, кишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб келмоқда. Шунингдек, маиший чиқиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш масаласи ҳам олдимизда турган энг оғир муаммо- дир. Шу билан бирга, соёқ тузум даврида узоқни ўйламасдан қурил- ган, бугунги кунда айрим вазирикл ва идоралар, тадбиркорлик субъектла- ри томонидан ишлатиб келинаётган саноат иншоотлари ҳам замонвий экологик талабларга жавоб бермай- ди. Энг муҳим масала — аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зар- рур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиятга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин", деган фикр- лари экологик хавфсизлик ва эко- логик қонунчилик ривожланишининг концептуал гоёси ҳисобланади.

ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИК ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

Мана, 28 йилдирки, давлат белгиланган стратегик мақсадларга эришишда табиий ресурслардан оқи- лона фойдаланиш ва уларни муҳо- фаза қилишга доир муносабатларни тартибга солувчи экологик қонунлар- ни қабул қилиш, уни такомиллашти- риш ва ривожлантиришга оид кенг қамровли ҳалқаро андозаларга мос ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, бугунги кунда мам- лакатимизда экологик, географик

ва иқтисодий хусусиятлар инобатга олиниб, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурс- лардан оқилона фойдаланиш соҳа- сида 40 га яқин экологик қонунлар ва 1000 дан ошқ қонуноти норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Конституциямизнинг 50-мод- дасида "фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги", 55-модда- сида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвотот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммил- лий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган.

Конституция талабларига асосан мамлакатимизда "Ер кодекси", "Табиати муҳофаза қилиш тўғриси- да"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фой- даланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвотот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Атмос- фера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги, "Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техно- ген хусусиятли фавқулодда вазият- лардан муҳофаза қилиш тўғрисида" - ги, "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Радиа- ция хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Ер кадастри тўғрисида"ги, "Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғриси- да"ги, "Ёнғин хавфсизлиги тўғриси- да"ги, "Маданӣ мерос объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Архео- логия мероси объектларини муҳофа- за қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Экологик назорот тўғрисида"ги, "Аҳолининг санита- рия-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор замонвий экологик қонунларнинг қабул қилиниши халқаро андозалар- га мосдир.

Мамлакатимизда мазкур қонун- ларнинг қабул қилиниши у ёки бу даражада экология ва атроф-муҳит- ни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳал қилишга, экология соҳасидаги ҳуқуқий норма- ларни такомиллаштиришга, табиий ресурсларни экологик муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдала- ниш билан боғлиқ бўлган муносабат- ларни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон экологияга оид халқаро Конвенцияларни ратификация қилди: Иқлим бўйича Париж келишуви мажбуриятлари

Мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид кўплаб халқаро Конвенциялар ратификация қилинган. Жумладан, Ўзбекистон "Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги Конвенцияга (1995 йил) қўшилиб, халқаро ҳамжамият олдига ўзининг миллий биологик ресурсларини муҳофаза қилиш учун жавобгарлигини эълон қилди. Ўзе- бистоннинг бу борадаги — 1997 йл- даги "Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдоси тўғрисида"ги Конвенция (CITES) ва бошқа халқаро битимларни имзоланиши биохил- ма-хилликни сақлашдаги катта қадамлари бўлди. Атроф-муҳитни экологик жиҳатдан соғломлаштириш жараёнларини уйғунлаштириш ва биологик ресурсларни муҳофаза

қилиш мақсадида "Биологик хил- ма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси" (1998 йил) ишлаб чиқилди. Қизил кит- тобни юритиш мазкур стратегиянинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, биологик хилма-хилликни сақлаш борасидаги ҳаракатнинг навбатдаги босқичидир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Иқлимнинг ўзга- риши бўйича конвенция (1993 йил 14 май), Ерларнинг чўлга айланиб қолишига қарши кураш бўйича конвенция (1995 йил 13 октябрь), Хавфли чиқиндиларнинг чегарадан олиб ўтилишини назорат қилиш бўйича Базель конвенцияси (1996 йил 7 май), Иқлим бўйича Париж келишуви 2015 йил декабрда қабул қилинган ва эскириб қолган Киото келишуви ўрнини эгаллаган.

Мамлакатдаги умуртқали ҳайвонларнинг ҳозирги фаунаси 105 хилдаги сўт эмизувчилар, 441 турдаги қушлар, 60 турдаги судралиб юрувчилар, 3 турдаги сувда ва ку- рукликда яшайдиган жониворлар ва 76 турдаги балиқлар, умуртқасизлар фаунаси эса 15000 турдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Қизил кит- тобига 324 турдаги ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимликлар ва замбуруғлар, 184 турдаги ҳай- вонлар киритилган ва улар доимий давлат муҳофазасига олинган.

Шунингдек, тургун органик ифлос- лантирувчи моддалар ҳақидаги Сток- голм конвенциясини ратификация қилиш тартиби тўғрисидаги қонун Президент томонидан имзоланган. Эслатиб ўтайти, мазкур Конвен- ция 2001 йил 22 майда Стокгольм шайрида қабул қилинган бўлиб, бу- гунги кунда 182 та давлат Конвенция иштирокчиси ҳисобланади. Дунёнинг етакчи давлатларидан АҚШ, Италия ва Исроил конвенцияни имзолаган бўлса-да, ратификация қилмаган. Ушбу қонун мажбурий харак- терга эга, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни тургун органик ифлослантирувчи моддалардан муҳофазалаш мақсадида уларни кескин қисқартиришга, ташланма- ларини тўхатишга ҳамда одам организмидан ва экотизимларда қайта тиклаб бўлмас ўзгаришларга олиб келувчи 12 та хавфли бирикма (кейинги тўлдиришлар ҳисобга олган ҳолда 26 та модда) ишлаб чиқари- лишини, ишлатилишини чегаралаш ёки тақиқлашга йўналтирилган Конвенцияни ратификация қилишни назарда тутаяди.

Конвенцияни ратификация қилиш Ўзбекистон Республикасига тургун органик ифлослантирувчи моддалар билан боғлиқ экологик ҳолатнинг яхшиланишига, аҳоли, атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвотот дунёсига етказилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартафоз этишга ёрдам беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи имтиёзлари бош тизимига қўшилиши ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг экспорт қамми ва географиясини кенгайти- риш имконини яратаяди.

Польшада 2018 йил 16 декабрда бўлиб ўтган БМТнинг иқлим бўйича анжуманида Декларация 24 (СОП 24) қабул қилинди. Декларация анжуман ўтган шаҳар номига Като- вице пакти, деб номланди. Таъки- длаштишча, ҳужжат иқлим бўйича Париж келишувини бажаришини йўл ҳаритаси ҳисобланади. Пакт остига имзо қўйилган сайёрамизда глобал исмиш қарши етарли ҳаракатлар амалга оширилмаётгани ҳақидаги ахборотга рози бўлишган. Ҳужжатда глобал исмиш оқибатларини чеклаш бўйича тезкор ҳаракатлар амалга оширилиши ҳамда бу йўналишдаги ишларни 2020 йилдан кейин кучай-

тириш ва бу мақсадда ҳар йили 100 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ маблаг сафарбар этиш зарурлиги қайд қилинган. Анжуман иштирок- чилари, шунингдек, иқлим бўйича Париж келишувини амалга ошириш қондалари тўпламини қабул қилди.

Ҳужжатда ривожланган дав- латлар иқлим ўзгаришига қарши курашда ночор давлатларга ажра- тидиган маблаглар ҳамда келишув шартлари бажарилиши мониторинги бўйича чоралар ҳақида гапирилган. АҚШ давлат департаменти анжуман натижаларига кўра, АҚШ келишув доирасида бирор-бир мажбуриятни ўз зиммасига олишдан воз кечишини тасдиқлаган. Иқлим бўйича Париж келишуви 2015 йил декабрда қабул қилинган ва эскириб қолган Киото келишуви ўрнини эгаллаган.

Орол муаммоси учун Норвегия биринчи ташки донор бўлди

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари- ни белгилаш, табиий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатла- ри бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктлари- нинг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарли- гини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш ишлари амалга оширил- моқда.

Бу масалада БМТнинг Ўзбеки- стондаги вакиллиги томонидан ҳам ташаббуслар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 апрель куни Норвегия ҳукумати ва БМТнинг Кўп томонлама шериклик траст жамғармасининг Нью-Йоркдаги офиси Ўзбекистоннинг Оролбўйи худуди учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғар- масига 9,5 миллион Норвегия крони (қарийб 1,1 миллион АҚШ доллари) миқдоридagi тўловни тасдиқловчи стандарт шартномани имзолади.

Маълумки, 1960 йилларгача ду- нёнинг туртинчи йirik ёрик денгизи бўлиш Оролнинг қуриши миллий ва минтақавий чегаралар доираси- дан чиқувчи инсониятнинг энг катта экологик фалокати ҳисобланади. 2018 йилда БМТ шафелигида таш- кил этилган Траст жамғармаси Орол денгизи худудида истикомат қилувчи ҳамжамиятларнинг экологик ва иқтисодий-иқтисодий эҳтиёжларини ҳал қилишда миллий ва халқаро дара- жада ҳамкорликни амалга ошириш ва барқарор ривожланиш соҳасида глобал мақсадларга эришиш бўйича биргаликдаги сазй-ҳаракатларни тезлаштириш учун ягона майдонни тақдим этади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Ҳукумати ўз бўйича Траст жамғар- масига 6,5 миллион АҚШ доллари миқдорига улусини қўшиш ҳақида мажбуриятни олган, унинг 2 миллион АҚШ доллари Траст жамғармасининг ҳисобига ўтказиб бўлинди. Норвегия Жамғармага маблаг киритган бирин- чи ташки донор бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистон Ҳукумати БМТ билан ҳамкорликда Орол денгизи худ- дидида истикомат қилаётган халқлар дуч келаётган муаммолар ҳақида хабардорлигини ошириш ва Траст жамғармасига қўшимча мольявий ва техник ресурсларни жалб қилиш бўйи- ча фаол ишларни олиб бормоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги доимий

координатори Хелена Фрейзер хоним "Орол денгизи учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси ҳукумат ва ривожланиш соҳасидаги ҳамкор- ларга айнан инсонларга йўналтирил- ган ҳаракат суръатлари ва иннова- цияларга алоҳида эътибор берган ҳолда ечимларни ишлаб чиқишда биргаликдаги фаолият олиб бориш имконини бермоқда. Биз Жамғар- маннинг донорига айлиб, Орол денгизи муаммосини ҳал қилиш ишига тарафдорлигини тасдиқлаган Норвегиянинг мазкур қарорини қўла- б-қувватлаймиз. Бу қарор Ўзбеки- стондаги тезкор барқарор ривожла- нишга кўмак беришда Норвегиянинг қатъиятчилигини додалот беради", деб таъкидлади.

Ўзбекистон "яшил иқтисодиёт"га қандай ўтади?

Конституцияга, табиати муҳофа- за қилиш соҳасига оид қатор Қонун ва қонуноти норматив-ҳуқуқий ҳуж- жатларга қўшимча ва ўзгариштирил- ги киритилиб, бир қатор янги экологик қонунлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 3-май куни қабул бўлиб ўтган ўн тўққизинчи ялпи мажлисида "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги, "Яйловлар тўғрисида" - ги қонунлар қабул қилинди.


Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвотот дунёсини муҳофаза қи- лиш ва ундан фойдаланиш тўғриси- да"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдала- ниш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғриси- да"ги, "Атмосфера хавосини муҳофа- за қилиш тўғрисида"ги қонунлар янги тахрирда қабул қилинди.

Шунингдек, Президентимиз "2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил иқтисоди- ёт"га ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорни имзолади. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси- нинг "яшил иқтисодиёт"га ўтишининг асосий вазифаларидан бири этиб:

Оролбўйидаги экологик инкироз- нинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини куриш; иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш; саноат корхоналари инфра- тузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиз- дан кам бўлмаган миқдорда ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараён- ларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш; иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли дара- жада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб сўғориш тех- нологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосил- дорлигини 20-40 фоизгача ошириш; ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш; "яшил иқтисодиёт" соҳасида, шу жумладан, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бош- қаларга катта эътибор берилди.

Жуманазар ХОЛМҮМНОВ,
Тошкент давлат ўрнidik университетги профессори,
юрдик фанлар доктори, Халқаро Экология ва Инсон хавфсизлиги Академияси академиги

ИШДАН БЎШАТИЛГАН 41 НАФАР ХОДИМГА ТЕГИШЛИ ТЎЛОВЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМАГАН



ФУҚАРО У.Мансурованинг иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги муносабати билан ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда 2020 йил апрель ва май ойларида ишлаб чиқариш амалиёти учун иш ҳақи ололмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати бўлимимиз томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар натижасида куйидагилар аниқланди. Коллеж директорининг тегишли буйруғига асосан Мингбулоқ агросаноат касб-хунар коллежининг 39 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, иккинчи қисми, 1-бандига асосан 2020 йил 1 июль кунидан бекор қилган. Шунингдек, фуқаро У.Мансуровага 2020 йил апрель ва май ойларида ишлаб чиқариш амалиёти учун иш ҳақи тўланмаганлиги, бунинг сабаби карантин шароитида коллеж ўқувчиларини онлайн ўқитишга ўтказилганлиги, иш берувчи томонидан ўрганиш кунига қадар фуқаро У.Мансурова ҳамда 38 нафар ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан туман адлия бўлими томонидан Мингбулоқ агросаноат касб-хунар коллежига тақдимнома киритилди. Натижада коллеж томонидан 41 нафар ходимнинг жами 46 218 974 сўм ишдан бўшатиш нафақаси ва иш ҳақи, шу жумладан, фуқаро У.Мансуровага 2 459 423 сўм иш ҳақи ва ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши таъминланди.

Муродилла МАМАТҚУЛОВ,
Мингбулоқ туман адлия бўлими бошлиғи

БИР ЙИЛ КЕЧИККАН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ



НУРОТА туманида иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатиш ҳолатида компенсация пуллари тўлаб берилмаган. Тумандаги Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг собиқ ходими Дилноза Ҳамидова ана шу масалада ёрдам сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Мазкур мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам Д.Ҳамидова 2019 йилда коллеж тугатилганлиги муносабати билан ишдан бўшатиш ҳолатида ташкилот ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси 2019 йилнинг 28 ноябрь кунини Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига қўра, яъни технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги муносабати билан бекор қилинганлиги маълум бўлди. Аммо афсуски, ходимга ҳозирга қадар ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда иккинчи ой учун иш ҳақлари тўлаб берилмаганлиги аён бўлди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 67-моддасида ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш хусусиятининг ўзгариши, ишлар ҳажмининг қисқариши ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда иш қидириш даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолиши, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олиниши таъкидланган.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судига даъво аризаси киритилгач, мазкур қонунбузилиши ҳолати бартараф этилди ва фуқарога компенсация пуллари ундириб берилиши таъминланди.

Умиджон СУВОНОВ,
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

ЗЎРАВОНЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ



ҲАР бир инсон ўз меҳнатининг самарасини кўришни, ишлаган жойида қадр топишни хоҳлайди. Меҳнатига яраша ҳақ олиши кераклиги эса оддий ҳолат ҳисобланади.

Аммо кейинги вақтларда иш берувчиларнинг бунга амал қилмаётганлиги ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Яқинда Жарқўргон туман адлия бўлимига фуқаро Н.Абдимуротов туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонасида ишлаган даври учун иш ҳақи ва етказилган маънавий зарарни ундириш масаласида мурожаат қилди.

Туман адлия бўлими томонидан ҳолат батафсил ўрганилганда, корхона томонидан фуқарога 2019 йил 2 июлдан унинг меҳнат вазифаларини бажаришга маъмурий тўсиқ яратиб келинганлиги, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш чоралари қўрилмаганлиги ва ишга асоссиз қўйилмаганлиги, натижада у 2019 йил август ойдан декабрь ойига қадар ва 2020 йил январь ойлари давомида иш ҳақи олиши ёки бошқа ишга кириш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлиги аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаронинг манфаатида 9 252 513 сўм иш ҳақи ва 2 000 000 сўм маънавий зарар ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Қўмқўргон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Мазкур иш судда кўриб чиқилиб, фуқаро Н.Абдимуротовга Жарқўргон туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобидан 9 252 513 сўм иш ҳақи ҳамда 2 000 000 сўмлик маънавий зарар ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Ўткир АРИПОВ,
Жарқўргон туман адлия бўлими бошлиғи

СУДГА БОСИМ ЎТКАЗИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ



СУДЬЯ фақат қонунга асосланган қарорлар чиқарсагина адолат таъминланади. Бироқ амалда ҳақиқатан ҳам судларимиз ўз ваколатлари доирасида адолатни таъминлай олаётганими? Афсуски, бу саволга биз тўлиқ "ха", деган жавобни беролмаймиз.

Биргина, 2019 йилнинг ўзида 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлар судлардаги сарсонгарчиликларга нисбатан

турли давлат ташкилотларига ва юқори турувчи инстанцияларга ўз эътирозлари билан мурожаат этганлар.

Аммо суд шундай жараёни, унда кимдир ютса, кимдир ютказди. Аслида, адолатни қарор топтириш тамойили шуни тақозо этади. Лекин бу қарорлар ҳар доим ҳам қонун ва адолат нуқтаи назаридан қабул қилинмаётганлиги суднинг мустақил ҳокимият

сифатидаги нуфузига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундай қарорларни судлар муайян ҳолатда уларга ўтказилаётган босим натижасида қабул қилаётган бўлишлари мумкин.

Фикримизча, бундай босимлар куйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

мамлакатимизда судлар очик-ошкор (ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно) фаолият юритади. Суд жараёнларида ҳар ким бемалол иштирок этиши мумкин. Аммо айрим журналистлар суд жараёнида иштирок этаркан, ҳали суд ҳукми ёки қарори ўқиб эшиттирилмай туриб, бу ҳақда тахминий муносабатларини сайтларида эълон қилади. Бу ҳам — судга, судьяга босим ўтказишнинг бир кўринишидир.

Бу билан судьялар мутлақо хато қилмайди, деган фикрдан йироқмиз, албатта. Судья ҳам

муттасил ишлаётган одам.

Демак, у хато қилиши, камчиликларга йўл қўйиши мумкин. Агар судья хато қилса, уни жавобгарлигини кўриб чиқадиган ваколатли ташкилотлар томонидан ушбу масала ҳал қилиниши лозим.

Суд қароридан норози бўлган тараф томонидан (агар бу судья томонидан қонуний тартибда қабул қилинган қарорга нисбатан бўлса ҳам) блогер ёки муайян ижтимоий тармоқлар орқали мавзунини бир тарафлама ёритиш ҳолатлари афсуски учраб турибди. Бу эса то масаланинг асл моҳияти ёритилмагунча судьянинг обрўси, ишчанлик қобилияти ва маънавий ҳолатига жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Нотўғри маълумот берган фуқаролар ёки айрим блогерларнинг жавобгарлиги масаласи кўп ҳолатларда очик қолмоқда ва улар "сўз эркинлиги"дан бир

тарафлама манфаат йўлида фойдаланмоқдалар.

Ижро ҳокимиятига жуда катта ваколатлар берилганлиги ҳам судларга босим ўтказиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Албатта, кейинги йилларда ижро этувчи органлар тизимини ислоҳ қилиниши ўз ижобий самарасини бермоқда. Фикримизча, айнан шу йўналишдаги ислохотлар янада кенгрок давом эттирилиши лозим. Бу суд тизими ҳақиқий мустақил орган сифатида нуфузи ошишига ижобий таъсир қилади.

Бош қомусимизнинг 112-моддасида ҳам "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", деб қайд этилган.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 236-моддасида суд ишларини ҳал этишга аралашши учун аниқ жиноий жавобгарлик белгиланган.

Суннатилла РАҲМОНОВ,
Чилонзор туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Манфаатлар тўқнашуви коррупцияга йўл очадими?

СЎЗИМИЗ аввалини манфаатлар тўқнашуви, деган ибората қисқа ва лўнда изоҳ билан бошлашни маъқул кўрдик.



Манфаатлар тўқнашуви, деганда шахсий манфаатдорлик ташкилот ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилади.

Адлия вазирлиги тизимида “Манфаатлар тўқнашуви-ни бошқариш тўғрисида”ги низомнинг қабул қилиниши Адлия органлари ва муассасаларида вужудга келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлардан биридир.

Мазкур низом адлия органлари ва муассасалари фаолиятида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солишни белгилайди.

Эътиборлиси, низом талаблари Адлия вазирлиги тизимидаги барча ташкилотлар ходимларига уларнинг эгаллаб турган лавозими ва хизмат ваколатларидан қатъи назар қўлланилади.

Унда адлия органлари ва муассасалари ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва адлия органлари ва муассасаларининг манфаатларини ифодалашда устувор тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Жумладан, адлия органлари ва муассасаларининг манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида адлия органларини хабардор қилишлари, непотизм, фаворитизм, маҳаллийчилик, ҳомийлик ва уруғ-аймоқчиликнинг намён бўлишига қатъий чек қўйишлари, потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилишлари, ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат

ташкilotларидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни тизимли равишда ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши шартлиги назарда тутилди.


Ушбу низомга кўра, адлия органлари ва муассасаларида фаолият юритаётган ходимлар бошқа лавозимга ўтганда, шунингдек, ҳар йили бир маротаба манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиб боришлари керак.

Ходимларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги аниқланса ушбу ходимни бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш, манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш ёки уни мажбуран четлаштирилиши, манфаатлар тўқнашуви йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриш, ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган адлия органлари ва муассасаларининг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишини чеклаш, ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш каби чоралар кўрилади.

Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомнинг қабул қилиниши натижасида манфаатлар тўқнашуви барвақт аниқланиб, объектив баҳоланади ҳамда олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Абдуманноп БҮРИЕВ,
Адлия вазирлиги кадрлар
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

МАМЛАКАТИМИЗДА коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилганлиги, шубҳасиз, бу борада қўйилган катта қадам бўлди.



МИЛЛИЙ АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАР порахўрликнинг олдини олишда муҳим омил

Ўз ўрнида, мазкур йўналишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат хизматларини кўрсатишнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бу борада бошқа давлат органлари ва ташкilotларига ўрнак бўлиш ва энг муҳими коррупцияга қарши мустаҳкам ҳуқуқий онгни шакллантириш Адлия вазирлигининг асосий мақсадига айланди.

Ходимларни коррупцияга қарши тоқатсизлик руҳида тарбиялаш, фаолиятда максимал очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда автоматлаштирилган механизмларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, жиддий ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, мазкур соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш учун Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилди.

Вазирлик ўз фаолиятининг ҳар бир йўналишида коррупцияга мутлақо тоқатсизликни намойиш этиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича мустаҳкам ички норматив ҳужжатлар база-

си шакллантирилди.

Шунингдек, ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш даражасини ошириш мақсадида адлия ходимларининг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, хизмат фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттирувчи Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати қабул қилинди.

“Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида”ги ва тизимда Манфаатлар тўқнашуви-ни бошқариш тўғрисида низом тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатлар адлия органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда уларда қонунларга ҳурмат руҳини шакллантиришга қаратилган. Чунки коррупция билан фақат жазо чораларини қўллаш орқали самарали курашиб бўлмаслиги барчага аён.

Ходимларни ишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган танловлар, шунингдек, аттестация жараёнларида коррупциявий ҳолатлар юзага келишини олдини олиш ҳамда очиқлик


ва адолатлиликни янада мустаҳкамлаш мақсадида мутлақо шаффоф тизим — танловлар ва аттестация жараёнларини жамоатчилик вакилларининг кузатуви остида расмий веб-сайтда тўғридан-тўғри онлайн трансляция қилиш тартиби жорий қилинди.

Адлия тизими учун коррупциядан холи бўлиш принципиал масала, чунки ўзи коррупциядан халос бўла олмаган орган қандай қилиб жамиятда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш мумкин? Бунга унинг на маънавий ҳаққи, на жисмоний имконияти бўлади.

Максимал даражадаги шаффофликни таъминлаш мақсадида адлия вазирлиги томонидан қабул қилинган “Очиқ адлия” дастури фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш имконини кучайтирди. Тизимда эътибордан четда қолмаётган камчиликлар, қолверса, ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни аниқлаш бўйича бевосита жамоатчилик ёрдамига таянилмоқда.

Мирсаид РАҲМАТОВ,
Адлия вазирлиги кадрлар
бошқармаси етакчи
маслаҳатчиси

АЛИМЕНТ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?



ВОЯГА етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота ёки онадан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар. Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун 4/1 қисми, икки бола учун 3/1 қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун 2/1 миқдоридан ундирилади.

Алимент миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ота ёки онадан ҳар бир бола учун ундирилаётган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Нафақат ота-она балки, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Агар алимент тўлаш шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда алимент Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Агарда шахс алимент тўламаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин 2 ойдан ортиқ вақт мобайнида алиментни тўламаса, Жиноят кодексининг 122-моддасида кўрсатилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фурқат ЭШОВ,
“Мадад” ННТнинг Юқори Чирчиқ туман ҳуқуқий маслаҳат
бўроси бош мутахассиси

ҲАММА даврларда ҳам нарх-наво халқимизнинг диққат-марказидаги, ўзаро мулоқотларида эътибордан асло четда қолмайдиган мавзу бўлиб келган. Айниқса, бугунги кундаги коронавирус пандемияси шароитида икки кишининг суҳбати, албатта, бозордаги нарх-наводан бошланиб, кундалик эҳтиёжларимиз учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамлаб олиш ҳақида бир-бирларига “маслаҳат” билан тугамоқда.

Гўшт нархи 100 000 СЎМГА етдимми?



Яқинда чет эл матбуотларидан бирида Тошкентда 1 кг. гўштининг нархи 100 000 сўмга чиккандлиги ҳақидаги хабар бу борадаги шов-шувни янада авж олдириди.

Аслини айтганда-ку, бозорларда барча озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида гўшт нархининг ошиб бораётганлиги бизни ажаблантирмай қўйганлигига анча бўлган, бу борадаги янгиликларни хотиржам кутиб олишга ўрганиб қолган бўлсак-да, бу хабарнинг нечоғли ҳақиқатга яқин-йироқлиги қизиқтирмай қолмади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларида 2020 йил 21 июль ҳолатига кўра, мамлакатимиз ҳудудларидаги марказий дехкон бозорларида мол гўштининг минимал ва максимал нархлари 40 000 сўмдан 65 000 сўмгача, қўй гўшти 39 000 сўмдан 75 000 сўмгача эканлиги айтилади.

Мустақил ўрганишларимиз натижаси шу йилнинг 15 август ҳолатига кўра, пойтахт бозорларида мол гўштининг нархи 40 000 сўмдан 80 000 сўмгача, қўй гўштининг бозорларидаги нархи 50 000 сўмдан 85 000 сўм, “Корзинка” деб аталувчи дўконларда эса гўштининг максимал нархи 100 000 сўмдан ошганлигини кўрсатди. Демак, Тошкент шаҳрида санокли кунлар ичида гўшт нархи салмоқли ошганлиги маълум бўлди.

Вилоятларда бу борадаги ахвол кандайлигини билиш мақсадида, бир неча туманларга ташрифимиз чоғида, вилоятлардаги мева-сабзавот ва турли озиқ-овқатлар, жумладан, гўшт нархи билан Тошкент шаҳри ўртасида анчагина тафовут борлиги кайфиятимизни кўтарди. Хусусан, Тошкент вилояти Янгийўл, Чиноз туман дехкон бозорларида мол гўшти 35 000 минг сўмдан 60 000 сўмгача, қўй гўшти эса 40 000 сўмдан 70 000 сўмгача бўлган нархни ташкил этиб турибди.

Албатта, юртимизда мўлчилик, тўкинлик, бозорларда файз ва барака бор. Катта-кичик дўконларда гўштининг барча турлари сероб, исатган бўлакни саралаб чўнтагинизга мосини танлаб олаверасиз, суякли-ю суяксиз, ёғли ёки ёғсиз ва ҳокazo. Аммо... Барчамизни ўйлантираётган муаммо ҳам айнан мана шу аммода-да.

Очғини, гўштининг бутунги ва эртанги кунда қўйлаётган нархи ҳар биримизни ташвишга соймай қўймайди. Шу ўринда ҳар биримизнинг кўнглимиздан нега гўшт нархи тўбора юқоридаги бормоқда, деган савол ўтиши табиий.

Бу саволга жўяли жавоб излаб, мутасадди ҳодимлар, сотувчилар ва даллоллар, чорвадорлару кишлоқдошлар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг ҳар бири турлича изох берган бўлди.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ГЎШТ СОТИВ ОЛИШ УЧУН ШАҲАРГА БОРАЯПТИМИ?

Ахир, санокли йиллар олдин нафақат кишлоқ, шаҳар аҳолисининг кўпчилигида ҳам гўшт ўзидан чиққанлигини унутганимиз йўқ. Ҳар бир ховлида паррандаларини-ку қўя туринг, камидан икки-учта қорамол, беш-ўнга қўй боқилган. Болалигимда азим Тошкентнинг биқинида жойлашган кишлоғимиз аҳолиси камдан-кам гўшт сотиб оларди. Унда ҳам қутилмаган меҳмон келганда. Аксарият ҳолларда, гўшт, тухум, сўт-қатик ҳар бир хонадоннинг ўзидан чиқар, эҳтиёжидан ортган маҳсулотларни шаҳарга элтди, бозорда сотишарди. Эътибор берсам, эндиликда кишлоқ уйларининг аксариятида оғилхона ва кўранинг ўзи йўқ экан.

Комил БАРАТОВ, Янгийўл тумани:

— Кишлоқда яшаймиз, мева-чева, сабзавот маҳсулотлари ва тухум ўзимиздан чиқади, лекин гўшт сотиб олаемиз. Тўғри, авваллари кишлоқда жуда кам ҳоллардагина гўшт сотиб олардик. Кўрасида моли йўқ хонадон топилмасди. Кундалик рўзгор учун ҳамма хонадонларда ўзидан чиқар, ҳар ой битта қўйми, молми сўйиб олардик. Ҳозир мол боқадиган жойлар, яйловлар тугаб кетди. Санокли йиллар олдин дала четлари, Қорасув бўйларидagi чакалақзорларда, кичик-кичик яйловчаларда мол боқиш мумкин эди. Экин далалари ва боғлардан ўт-ўланлар ўриб, пичан йиғардик. Ҳозир ҳар бир қарич ерининг, ҳатто ариқнинг ҳам ўз эгаси бор. Фермерлар даласининг ёнидан тасодифан ўтиб қолган молни ҳам ушлаб, гўштини хомталаш қилади. Боғ ичидан, экин далалардан ўт ўришга руҳсат йўқ. Руҳсат бўлганда ҳам тегимаймиз, сабаби дараклар тағига кимёвий ўғит солинади, ўт-ўланлар полиз экинлари ва меваларга сепилган турли дориларга тўйинган. Еган мол ўлмай қолмайди. Ем-ҳашакнинг пули осмонда. Ўзимизнинг томорқадан чиққан ўт-ўлан битта сизиримизга аранг етади. Хуллас, мол боқишга кишлоқда ҳам шароит қолмаган, беш-ўнга товук, қуркани айтмаганда.

Носир ТўРАҚУЛОВ, тадбиркор:

— Фермадаги ёш моллар боқуви яқин бўлса, уч ойга қолмай гўштга топшириш мумкин бўлади. Яқин боқув учун қуритилган беда ва маккажўҳори пояси, хашак, пичандан ташқари қунига қунжара, шелуха, силос, буғдой аралашмаси, омухта ем каби озук талаб қилинади. Тора бора камёб бўлиб бораётган чорва озукалари ўз-ўзидан кимматлашиб бормоқда. Айниқса, бўрлоқи учун жуда зарур бўлган силос ва қунжара отликка ҳам йўқ.

Гўштининг нархи ўз-ўзидан чорва озукаларига боғлиқ. Агар шарт-шароит, масалан, зарур ер майдонлари етарли бўлганда чорва озукаларини бажонидил ўзимиз етиштириб тайёрлар эдик, қаерлардангиз излаб, олиб-сотарлардан фалон пулга сотиб олгандан кўра, биз учун ҳам бу энг мақбул йўл.

Давлатимиз раҳбарининг шу йилнинг 19 май куни бўлиб ўтган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қара-

тилган чора-тадбирлар бўйича видеоселекторда айтган сўзлари эртанги кунга катта умид уйғотди. Яқин кунларда вазиет биз кутгандан ҳам аъло бўлишига ишончимиз катта, халқимиз дастурхонига арзон ва сифатли гўшт етказиб берамиз.

Зоҳиджон ЭРҚАБОВ, сотувчи:

— Нега гўштни киммат сотаямман? Чунки ўзимга киммат келади. Тўғри, мен қасоб эмасман, чунки қасоб бизга ўқшаб узукун дўконда ўтириб гўшт сотмайди. Бир гап айтгайми, гўшт харидорга етиб келгунча камидан 3-4 та қўлдан ўтади, табиийки, ҳар бир қўл ўз улшини қўшиб боргач, маҳсулот нархи ҳам ошиб бораверади-да. Масалан, даллол молни эгасидан сотиб олиб, бозорга олиб бориб сотади. Қасоб бозордан сотиб олган молни сўйиб, гўштини бизга сотади, биз эса харидорларга чиқиб қилиб сотамиз.

Гулмира ЮСУПОВА, Тошкент шаҳри:

— Байрам кунларида пойтахт бозорларида арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, гўшт ҳам сотилади. Картошка, пиёз, қарам дегандай, баъзида парранда гўшти ва тухумни нисбатан арзон нархда олиш мумкин. Лекин гўшт масаласида бундай дейлмайман. Тўғри, мутасадди раҳбарлар бозорда кузатиб юрган пайтда олган олиб қолади. Масалан, шу йили Наврўз байрамидан Аския бозориди арзонлаштирилган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Мен ҳам гўшт олиш учун узундан-узун навбатга турдим. Сотувчилар одатда қўли-қўлга тегмай савдо қилишарди, бу гал назаримда жуда суёт ҳаракат қилишаётгандай туюлаверди. Навбатда турган харидорлар тоқатсизлана бошладилар. Чамаси бир, бир ярим соат ўтгандан кейин сотувчи: “Навбатда турманглар гўшт тугади”, деб эълон қилди. Одамлар хафсаласи пир бўлиб таркаб кетишгач, сотувчининг ёнига яқин бориб: “Савдонини бошлаганингизга икки соат ҳам бўлмади-ку, нега шунча тез тугади ёки гўшт жуда кам олиб келинган экан-да?”, деб сўрадим. Сотувчи йиғитдан: “Арзонлаштирилган гўшт тугади. Истасангиз мана дўкон нархида бор”, деган жавобни эшитиб дол қолдим. Демак, арзонлаштирилган гўшт хўжақўрсинга сотилар экан-да?

ГЎШТ ЕМА, ДЕЙИШ ҲАМ НОТЎҒРИ-ДА!

Жахон соғлиқни сақлаш тақшилотининг маълумотига кўра, инсон бир йилда ўртача 55 килограмм гўшт истеъмол қилиши керак. Айниқса, болажонларимиз соғлом, боболаридек бақувват, қўзи ва илғи тўқ бўлиб ўсишлари учун гўштининг ўрнини ҳеч бир маҳсулот босолмайди.

Бу рақам ойига 4 кило-ю 800 граммга тўғри келади. Ҳаётингиз эҳтиёжимизнинг бу нормасини пулга чакканда бир кишига ойига ўртача 350 000 сўмлик гўшт тўғри келар экан. Ана энди, бу рақамни битта оиладаги тўрт-беш нафар одамга қиёс қилганда неча сўмга тўғри келишини билаверинг.

Аммонинг аччиқ муаммоси шундаки, кўпчилик кишиларимиз бугунги нархдаги гўштга қурбон етмайди. Аксарият кишлоқ жойлардаги айрим хонадонларда қора қозонимиз ҳафтадаб гўшт кўрмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Гўшт нархининг ошиб кетиши ва гўштхўрлик масаласи нафақат юртимиз, балки бутун дунёнинг глобал муаммосига айланган кўринади.

Айрим норасмий тадқиқотчилар инсонларнинг ўз ҳаётларини гўшт ва сўт маҳсулотларисиз тасаввур қилолмай қолганликлари глобал иқлим ўзгаришини янада жадаллаштиришга олишганлиги, худди шу бонис, имкон қадар гўшт ейишдан воз кечиб, ўз овқатларини шартлиларини ўзгариштирилари ҳамда овқатланиш маданиятига амал қилиш кераклиги ҳақида айтишмоқда. Гўшт истеъмол қилишдан воз кечини, сунъий гўшт яратиш каби қулғили фикрлар кенг аҳоли томонидан “ғазаб-ли қарсақ”лар билан қутиб олинмоқда.

Гўшт ейишни қамайтириш бора-сидида бундай ажабтовур тавсияларга эса ҳафтадаб, балки ойлаб қора қозо-

ни гўшт кўрмаётган ўзбек “лаббай”, деб жавоб бормоқда, деган ҳаёлга бориш мумкин.

Британиялик мусикачи Брайан Мейнинг коронавирус пандемияси одамлар кўп гўшт истеъмол қилаётгани сабаб бошланганлиги ҳақидаги сўзларини ким қандай қабул қилди билмадиган-у, лекин пандемия бонис, айрим олиб-сотар фуқароларимиз турли маҳсулот нархини камидан 5-6 баравар ошириб юборганлиги аччиқ ҳақиқат. Хусусан, “исирик касаллик тарқалишининг олдини олар экан”, деган гап чикар-чикмас, шоввозлар 2-3 минг сўмлик исирик баҳосини 10-15 минг сўмгача кўтаришди, саримсоқниёз даво дейилиши биланок саримсоқниёз 40-50 минг сўмга кўтарилди. “Эчқига жон қайғуси, қасобга мой қайғуси”, деб шунга айтишса керак.

Дунёга машҳур Ибн Синонинг “Гиб конуналари” асариди инсон организмнинг саломатлиги учун гўштининг ўрнини ҳеч бир маҳсулот босолмаслиги ҳақида кимматли маълумотлар қолдирган. Замонамиз олимлари томонидан гўштининг инсон организмга фойдаси ва иммунитетни мустаҳкамлашда бекиёз эканлиги илмий жиҳатдан аллақачон ўз исботини топган.

Халқимиз тўю томошалари, қувончли кунларида бир эмас, бир нечта қорамол, қўй сўйиб олу юртга тарқатган ганти халқ. Лекин бундай саховатпешалик гўштхўрлик, гўштни кўп истеъмол қилиш, дегани эмас. Шунингдек, гўштни кам истеъмол қилиш билан гўшт нархининг кўтарилиши муаммосини хал қилиб бўлмастлигини олдий фуқаролардан тортиб, юқори лавозимдаги масъул раҳбарларгача яқин билади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармогини янада ривожлантириш

ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони гўшт нарх-навоси билан боғлиқ муаммоларни хал эттишга қаратилган. Ушбу ҳужжатларда чорвачилик билан шугулланувчи аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ем-ҳашак етиштириш учун экин майдонларини доимий ёки узок муддатга ижарага бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, насликлик ишларини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага илмий ёндашувни кенг жорий этиш ва бошқа қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгиланганлиги ҳаммамиз учун қувончли хушхабарлардан дарак беради.

Шунингдек, “Чорвачилик соҳасини 2021 йилгача бўлган муддатда ривожлантириш борасида белгиланган чора-тадбирлар дастури” ҳақидаги маълумотга кўра, 2021 йилга бориб йилрик шохли қорамоллар 14 миллион 800 минг бошга, майда шохли моллар 23 миллион 127 минг бошга етказилар экан. Бу эса мамлакатимизда гўшт етиштирилиши 26,2 фоизга ошириб, аҳоли эҳтиёжларидан ортиқчасини экспорт қилиш имконини беради.

Хулоса ўринда айтишни истардикки, гўшт нархининг ошиши ва ошиб бориши борасидаги муаммолар ечими фақат ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси билангина эмас, энг аввало, ҳар биримизнинг виждонимиз, инсофу диёнатимизга боғлиқ масаладир. Доно халқимиз айтганидек: “Бозор баракаси халолликда”.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қону” мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ тинчлик-осойишталик, халқимизнинг йилсайин юксалиб бораётган турмуш даражаси, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркем қиёфаси, одамлар онгу тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар, умуман, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўсиш ва ривожланиш шакл-шубҳасиз, мустақиллик туфайлидир. Шунинг учун ҳар йили мустақилликка эришган кунимизни энг улғу, энг азиз байрам сифатида кўраемиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Самарқанд вилояти аҳли Мустақиллик байрами билан бир қаторда қўш хурсандчиликларни кўтаринки руҳда қарши олмақда.

Каттакўрғонда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари юксалмоқда

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ёшларнинг билим олиш имкониятидан келиб чиқиб, Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳрида янги ўқув йилидан бошлаб иккита олийгоҳ филиали очилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу эса, ўз навбатида, Каттакўрғон шаҳрининг инфраструктураси ва маданий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Қўтилаётган ободонлаштириш ишлари сабаб Самарқанд вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Каттакўрғон шаҳрининг маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан учрашиб, халқнинг бу янгиликка муносабатини эшитди. Шаҳар аҳли САМДУнинг педагогика институти, Тошкент транспорт олийгоҳининг филиаллари очилиши Каттакўрғон шаҳар таълим тизими ва маданий ҳаётини сезиларли даражада ижобий томонга ўзгариради, дея вилоят ҳокимида ўз муносабатларини билдирди.

— Каттакўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ҳамда ижтимоий соҳа объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш орқали туманлар аҳолисига қулай шароитлар яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилиши шаҳар раҳбарларига катта масъулият юклайди, — дейди Каттакўрғон шаҳар ҳокими уринбосари Ақром Умаров.

Шунингдек, шаҳар ҳокими Олий Мажлис Сенатори Гавҳар Алимова курсатмалари асосида институт филиаллари учун ажратилган коллеж биноларини таъмирлаши ва мослаштириш, замонавий кўринишга келтиришига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада манзилли дастурлар ишлаб чиқилган. Янги ўқув йили-

да институт очилиши муносабати билан мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги илмга чанқоқ ёшлар ўқишга келиб, малакали кадрлар бўлишларига аминмиз.

Турizm салоҳияти жиҳатидан ҳам Каттакўрғон Самарқанддан кейин иккинчи ўринда турадаган санвати ривожланган шаҳар ҳисобланади. Шу туфайли бугунги кунда шаҳарни янада ободонлаштириш мақсадида, қўшимча дастур асосида 26 та ички йўллари (9 км) мукамал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган.

Шундан келиб чиқиб, бугунгача 7 километр йўл мукамал таъмирланди, қолган қисми ҳам яқин кунларда таъмирдан чикарилади. Шунингдек, вилоят ҳокимининг топшириғига асосан “Беклар” кўчасининг 0,8 километр масофадаги қисми ҳам мукамал таъмирдан чиқди. Бундан ташқари, “Амир Темури” ва “Зарифобод” кўчаларининг 3,5 километр ҳамда вилоят аҳамиятидаги “У.Барнаев” кўчасининг 3,8 километр қисмида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йил дастур доирасида 400 миллион сўмлик маблағлар ҳисобидан шаҳардаги 14 та кўчага тунги ёритиш чироқлари ўрнатилган бўлиб, бугунги кунда “Беклар” кўчасига 35 дона замонавий тунги чироқ ўрнатилди. Шунингдек, “Оби ҳаёт” кўчасида 90 дона ва “Миёқол” кўчасида 51 дона тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Яна қўшимча қиладиган бўлса, “Яккабоғ” ва “Нурафшон” маҳаллаларида ҳам босқичма-босқич тунги ёритиш чироқлари ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, Каттакўрғон шаҳрининг кўплаб ташкилот биноларида ҳам ободонлаштириш ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳар халқ таълими бўлими ва мактабгача таълим ташкилоти биноларининг янги иморати қурилмоқда. Шаҳар мудофаа бўлими, Кузи ожизлар жамиятининг яроқсиз бинолари бузилиб, уларнинг ўрнига янги бинолар қурилмоқда. Маданият бўлимига

қарашли “Эртак” кафесининг том ва ички қисмлари ҳам мукамал таъмирланмоқда. Аҳоли яшаш жойларидаги электр энергияси таъминотида узилишлар бўлиб турган маҳаллаларга 7 дона янги трансформатор ўрнатилди, 15 дона трансформатор мукамал таъмирдан чиқарилиб, 210 дона бетон таянч устунлари ўрнатилиб, янгиланди. Шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам яъни, тоза ичимлик суви муаммо бўлган “Оқ олтин” маҳалласининг “Фирдавсий”, “Амир Темури” маҳалласининг “Ўзбекистон” кўчаларига тоза ичимлик суви ўтказиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шунга қўра, бугунгача “Қорадарё” кўчасида 200 метр янги ичимлик суви қувури тортилиб, фойдаланишга топширилди. “Ўзбекистон” кўчасидаги 39-кўп қаватли уйнинг маркази оқова тармоғига уланди. Шунингдек, “Зиёлилар” маҳалласидаги “Тадбиркорлар” ва “Усмон Носир” кўчаларида 700 метр янги сув қувури тортилиб, аҳолига фойдаланиш учун топширилган. Шаҳарни тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган Мўртақ-кўрпа сув иншоотларининг қувватини ошириш учун 5 дона янги насос ўрнатилди.

Шунингдек, Каттакўрғон шаҳридаги Қозоқовул массивида 12 қаватли тураржой бинолари қурилиши бошлаб юборилди. Шуни айтиш керакки, шаҳардаги 36 та кўп қаватли уйлар бугунгача тўлиқ таъмирланди.

Шаҳар ҳудудида мавжуд 22 та маданий мерос объектлари тўлиқ хатловдан чиқарилиб, йиғма жилдлари тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Каттакўрғон туманидаги 2542,0 (га) очик ер майдони ва Нуробод туманидаги 953,0 (га) очик ер майдонлари Каттакўрғон шаҳрида тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун танланган. Шаҳарда 243 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, таъмирга муҳтож 29 та кўп қаватли уй таъмирланди ва атрофлари ободонлаштирилди.

Мана шундай амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрини 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг ҳаётдаги ёрқин ифодаси сифатида қўриш мумкин.

Шу ўринда азалдан тарихи ва маданияти бой бўлган ва кўҳна заминда ўз даврининг алломалари етишиб чиққан Каттакўрғон шаҳридаги бунёдкорлик ишларининг ривож шубҳасиз-ки, азиз халқимизни мамнун этади.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири



ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ОДИЛЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

БИРОН-бир шахс жиноят кўчасига кириб қолиб, жазо чораси қўлланганда уни таниган-билганлар “Қилмиш-қидирмиш”, “Айбига яраша жазосини олибди”, дейишса, яқинлари “Тақдир экан,” “Шу ҳам бошида бор экан,” деган гаплар билан ўзларини ва судланувчини овутишга интилади.

Тўғри, жиноят қилган одам ҳар қандай ҳолатда ҳам жиноятига яраша жазосини олиши шарт. Айни кезде адашиб қолганларга имконият бериш, тўғри йўлга солиш халқимизга хос фазилат. Меҳр-оқибатга йўғрилган азалий қадриятлар бугунги кунда қонунчилигимизда ва унинг амалиётида кенгроқ ўрин олиб бораёпти. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш устувор йўналишлардан бирига айланганлигини ҳам кўрсатади.

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 30 июнь кунини одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофазасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу устувор масала юзасидан ўтган 3 йилда 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган, судлар томонидан илк мартаба 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилгани, шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 миңдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озоқликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллиги олингани эътироф этилди.

Жазони муддатидан олдин озоқ қилиш ҳам инсонпарварлик ва одамийлик тамойилларининг яна бир ёрқин ифодаси ҳисобланади. Айни пайтда юртимизда пандемия шароитида ҳам судларда Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан, маҳкумларга нисбатан ана шу зғу тамойилга асосланган ишлар кўрилаяпти.

Бу модда, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озоқликдан чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганларга нисбатан қўлланилади.

Бу борада прокуратура органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Биринчи навбатда, Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурдаги Пробация хизмати тизими фаолиятида қонунларга риоя этилиш аҳолини ҳар чорада текшириб боради. Бунда маҳкумларнинг ўз вақтида рўйхатга олинганлигига, улар ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ва (ёки) муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларини ижро тўғрисида хабарнома юборилганлигига, маҳкумларнинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этиши текширилганига алоҳида эътибор қаратилади.

Улар суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажариши ҳамда ижтимоий тартибни сақлаш, янги жиноятни содир этмаслик шарти билан жазони ўташни давом эттиришдан озоқ этилади. Бу муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, мақбул ҳуқуқий хатти-ҳаракатни рағбатлантиришнинг самарали воситаларидан саналади. Муддатнинг ўталмаган қисмини у ўз хулқ-атвори билан ўзининг ўзгарганлигини исботлаши, давлат томонидан билдирилган ишонччи оқлаши зарур бўлади.

Жиноят-ижроия кодексининг 164-моддасига кўра, судга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазодан муддатидан илгари озоқ қилиш масаласида жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячиси илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин. Бунга маҳкумнинг ижтимоий ҳавфлигини йўқотганлиги ва суд тайинлаган жазони тўла ўтамасдан охиригача ўзгарганлиги асос бўлади. Мазкур тамойил Жиноят кодексининг 73-моддасида белгилаб, кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

Меҳнатга муносабат деганда, маҳкумларнинг ўзига юклатилган вазифа ва белгиланган нормани муттасил, сидқидилдан ҳалол бажариб келаётганлиги унинг ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олганлигини кўрсатувчи мезон ҳисобланади. Бу муносабат уларнинг муайян бир ҳунарни ўрганиши, ўз малакасини ошириши, иш тажрибасини бошқаларга ўргатиши билан ҳам тавсифланади.

Судларда иштирок этаётган прокуратура ходимлари маҳкумларга нисбатан жазони муддатидан олдин шартли равишда озоқ қилиш ҳақидаги тақдимномаларни кўриб чиқиш давомида айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишади. Масалан, яқинда жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судида 10 дан ортиқ судланувчига ана шундай бағрикенглик тамойили қўлланилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биргина Чилонзор тумани бўйича 98 нафар маҳкумга нисбатан бундай бағрикенглик тамойили қўлланиб, жамиятда ўз ўрнини топишга имконият яратилди.

Азамат ҚАРЖАВОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ шу йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, балки бутун халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олди. Ушбу ҳужжатда қайд этилганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юришнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.



Шахс дахлсизлигини таъминлаш йўлида ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Жумладан, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини

аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжуд эди. Суд-тергов фаолиятини такомиллаштириш мақсадида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исбот-

лаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш белгиланди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

ФАРМОНГА КўРА, ШАХСГА НИСБАТАН КИЙНОҚКА СОЛИШ ВА БОШҚА ШАФҚАТСИЗ, ФАЙРИНСОНИЙ ЁКИ КАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА ҲАМДА ЖАЗО ТУРЛАРИНИ ҚўЛЛАШ БИЛАН БОғЛИҚ ҚИЛМИШЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БўЙИЧА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК, БУНДАЙ ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ.



Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоат-гўйлик руҳини шакллантириш механизми жорий қилинади.

Энди тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма руҳсати асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилади. Шунингдек, жиноят содир этишда гумон қилинаётган

шахсни ушлаб туриш муддати у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда яқунланган ёхуд гумон қилинувчи, деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлиги белгиланди.


Энди шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиса ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно), уни гувоҳ тарикасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилганига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш мумкин эмас. Ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қақриш ва сўроқ қилиш тақиқланади.

Ушбу ҳужжатнинг яна бир инсонпарварлик жиҳатига асосан ҳужжатда белгиланган, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озоқликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган қасдан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озоқликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда шахс дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Мирзиёб АБИДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмазор туман суди судьяси



Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

Таълим кредитини олиш тартиби қандай?

— *ТЕЗ орада олий ўқув юртрларида ўқиш бошланади. Лекин фарзандим ўқишга қирган тақдирда ҳам контракт тўловлари учун маблағимиз етарли эмас. Шу сабабли, таълим кредити олиш тўғрисида маълумот берсангиз.*

— Таълим кредитлари бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Таълим кредитлари учун фоиз ставкалари:

- чин етимларга, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлганларга — ноль фоиз ставка;
- талабаларнинг қолган тоифаларига — 2020 йил 1 январдан бошлаб фоиз харажатларининг бир қисмини "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш механизмидан фойдаланиши имконияти билан бозор ставкалари белгиланади.

Қам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит буйича фоизларнинг 50 фоизи Иш билан таъминлашга кўмаклаши давлат жамғармаси маблағларидан тўланади. Бунинг учун туман Аҳоли бандлигига кўмаклаши марказларига мурожаат қилиш лозим.

Меҳнат шартномасининг муддатини узайтирмасам ишдан бўшаган ҳисобланаманми?

— *ИШ берувчим мен билан 1 йилга муддатли меҳнат шартномаси тузган эди. Кўрсатилган муддатдан 6 ой ўтиб кетди, бироқ ҳали ҳам ишлаб юрибман, ушбу ҳолатда меҳнат шартномасида кўрсатилган муддат бузилган ҳисобланмайdimи?*

— Меҳнат кодексининг 105-моддасига мувофиқ, муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома умумий муддатга узайтирилган, деб ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари машинадан сўрамасдан фойдаланиши мумкинми?

— *ИЧКИ ишлар органлари ходимлари қандай ҳолларда фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин?*

— "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунга кўра, қуйидаги ҳолатларда ИИО ходимлари фуқароларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиши мумкин:

- табиий офат юз берган жойга бориш;
- шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббий муассасаларга олиб бориш;
- жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келиш;
- ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига бориш.

Бунда транспорт воситасидан фойдаланилганлиги фактини тасдиқловчи ҳамда ундан фойдаланган ички ишлар органи ходимини идентификацияловчи ҳужжат берилади.

Транспорт воситаларидан фойдаланганлик натижасида зарар etkazилган тақдирда, харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрни ички ишлар органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Машина қай биримизда қолади?

— *ОТАМ мерос мулки бўлган автомашинани менга васият қилган эди. Аммо унинг вафотидан сўнг нотариусга мурожаат қилганимда, синглимга ҳам автомашинани васият қилинганлиги маълум бўлди. Яъни, мерос мулки битта, лекин икки одамга васият қилиб қолдирилган. Бу ҳолатда автомашинани кимга қолади?*

— Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига асосан васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Шунингдек, янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилиниши белгиланган.

Демак, охириги тузилган васиятнома ҳақиқий ҳисобланади ва шунга кўра мерос мулки тақсимланади.



"Мадад" ННТнинг "Advice.uz" ҳуқуқий ахборот портали билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Элбек ИСКАНДАРОВ** жавоб берди.

Аттестатимни йўқотиб қўйдим

— *МАКТАБНИ тугатганлигим тўғрисидаги аттестатимни йўқотиб қўйганман. Унинг дубликатини олишим учун нима қилишим керак?*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан аттестат ва сертификатни йўқотган шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари аттестат ёки сертификатни берган давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси директориغا йўқотилиши ҳолати тўлиқ баён этилган ёзма ариза берадилар.

Аризага ҳужжат йўқолганлиги тўғрисида газетда чоп этилган эълон, шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси илова қилинади.

Сизнинг умумий ўрта таълим муассасасида ўқиганлигингизни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда 5 кун муддатда директор дубликат бериш масаласини умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади.

Дубликатни бериш муддати мурожаат қилинган даврдан бошлаб 1 ойдан ошиб кетмаслиги керак.



МАРФИЛОН шахрида яшовчи Шахбоз Исроилов (исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддам 3 маротаба, яъни безорилик ва 2 маротаба ўғрилик жиноятини содир этгани учун судланган. Сўнгги судланишда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2018 йил 28 августдаги ҳукмига биноан Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисми, "а" банди билан айбдор, деб топilib, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади.

ПАРРАНДА МОЖАРОСИ ЎҒРИ ЙИГИТНИНГ УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Буни қарангли, орадан бир йил ўтган, у Ҳукуматимизнинг инсонпарварлик сиёсатидан, бағрикенглигидан баҳраманд бўлади. Яъни, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2019 йил 13 сентябрдаги ажрими билан унинг ўталмаган 1 йилу 11 ой 14 кун жазоси Жиноят кодексининг 74-моддаси тартибда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадидан ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ туза тиши иши жазосига алмаштирилади. Аммо...

Аммо шунда ҳам кўзи очилмаган йигит яна жиноятга қўл уради. Маълум бўлишича, Шахбоз Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмасида техник ҳодим вазифасида ишлаб келган. Ишдан бўш вақтларида эса ёлланма ишлар билан шугулланиб пул топарди.

Ҳап шундаки, у ана шу ерда ортирган пуллари дан 5 дона курка сотиб олади. Бироқ ўз уйда шароити йўқлиги боис паррандани қочиқ бериш учун таниши Содиқжон Мамарасуловга топширади. Бунинг учун ҳар ҳафтада икки маротаба Содиқжонниги дон ва ем элтиб бериб, куркаларидан хабар олиб турарди.

Уша куни — 2019 йил 28 декабрь куни ҳам шу мақсадда С.Мамарасуловниги бормоқчи бўлди. Анжирои, Янги йил байрами арафасида мардикор бозорда танишган оғайниси Дилмурод Қўзибоев билан машаққат қилиб ўтириш асносида Шахбоз Содиқжонга сим қоқди.

— Ҳалироқ дон-дун олиб бориб бераман, — дейди у.

— Йўқ, бугун келмай қўявер. Мен уйда бўлмайман, келиноийинг ва болалар билан қайнонамниги кетаяпмиз. Эртага келамиз, — дея жавоб беради С.Мамарасулов.

Ана шу пайтда Д.Қўзибоев уларнинг телефондаги суҳбатига қўлоқ тутиб турганди. Шу боис ичкиликдан сўнг Шахбоз билан хайрашган, Дилмуроднинг фикри бузилади. Яъни, у уйига эмас, Содиқжонниги бориб, каттадаги куркалардан 4 донасини ўғирлаб кетади. Қиш кечаси бўлгани учунми, кўчада, ён-атрофда ҳеч ким йўқлиги унга жуда қўл келади. Тонгotar маҳали — соат 04:30 ларда хонадон соҳибига келсаки, бир дон курка ҳовлида юрганини, каттақизғи эса очкичлигини кўради. Шунинг учун дарҳол бу хусусда Ш.Исроиловга хабар беради.

— Куркаларини Дилмуроддан бошқа одам ўғирламаган. Чунки кечаси сен билан гаплашганимда у ҳаммасини эшитиб турганди. Сенкида ҳеч ким қолмаганлигини яхши билган-да ярамас, — дейди Шахбоз бирдан тўқчиб.

У шундай деб кундузи — 2019 йил 29 декабрь куни тушдан кейин Д.Қўзибоевни С.Мамарасуловнигига чақиртиради. Лекин Дилмурод аввалига айбини тан олмайди.

— Кўшини ҳовлига ўрнатилган видеокамерага тушибсан-ку, — дея ўсмоқчилайди Ш.Исроилов атайин. Шундагина ўғри йигит қилмишини бўйнига олади. Аммо Шахбозга калондимоғлик қилади.

— Ҳа, мен ўғирлаган куркаларини. Энди нима қиласан, қўлингдан нима ҳам келарди?

Бироқ гап Ш.Исроиловга жуда оғир ботади, нафосиниятига тегади. Оқибатда у ҳовлидаги сўри устида турган ошхона пичоғини Дилмуродга санчади. Шунда пичоқ санчилган жойдан тиркираб қон оқа бошлади. Бундан қўриқиб кетган Шахбоз эса жабрланувчининг таксига ўтказиб, шифохонага эмас, балки ўз уйига олиб боради. Ҳаттоки, такси ҳайдовчисининг "Оғайнингизни шифохонага олиб борайлик", деган гапи ҳам унга қор қилмайди. Бинобарин, уша хайдовчи шаҳар ИИБга хабар беради. Лекин Содиқжоннинг чақирувига биноан етиб келган "Тез ёрдам" машинаси шифохонага олиб кетаётганда Д.Қўзибоевнинг жони узилади. Пировардида, Шахбоз Исроилов қўлга олинб, унга нисбатан жиноят иши кўзатилади. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди эса уни Жиноят кодексининг 104-моддаси, 3-қисми, "д" банди билан айбдор, деб топиб, 8 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳрум этди. Жазо тайинлашда суд унинг муқаддам ўталмай қолган жазосини ҳам инобатга олади.

Ажаб эмас, энди "қаҳрамон"имиз ўзига тегишли хулоса чиқариб, жиний хатти-харакатларига чек қўйса.

Феруза СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича
Фарғона шаҳар суди судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Солиқнинг сўзи нега "синди"?

НАВОИЙ шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан шаҳардаги "Navoiy-Lyuks" масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилган ҳисоботлар ўрганган ҳолда, мазкур жамият қўшимча 16.348.000 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобламаган ва бюджетга тўламаган бўлиб чиқди.

Мазкур ҳолат бўйича шаҳар солиқ идораси томонидан "Navoiy-Lyuks" масъулияти чекланган жамиятига ҳисобланган суммаларни бюджетга ўтказиб бериш юзасидан талабнома юборилган. Аммо "Navoiy-Lyuks" МЧЖ томонидан мазкур талабномага жавоб берилмаган, солиқ идораси ушбу суммани ундириш бўйича судга даъво аризаси тақдим этишга мажбур бўлган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъво бўйича солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш лозимлиги ва Солиқ кодексидан (эски таҳририда) барча ҳолатлар акс эттирилганлигини билдирди.

Жавобгар "Navoiy-Lyuks" масъулияти чекланган жамияти эса ҳақиқатан ҳам ўз фаолиятини аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш учун рўйхатдан ўтиб, ташкил этганлиги ва қонуний фаолият юридаётганлиги аниқланди.

Мазкур фаолият жараёнида у томонидан 40 та автотранспорт воситаси бир неча жисмоний шахслардан ижарага олинган ва шартномалар тузилган бўлиб, мазкур шартномалар нотариус орқали расмийлаштирилиб, рўйхатдан ўтган.

Солиқ идораси ушбу шартномаларнинг рўйхатини шакллантириб, "Navoiy-Lyuks"

масъулияти чекланган жамияти томонидан Кодекснинг 184-моддасида кўрсатилган даромадларидан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётган бўлган тақдирда ушлаб қолиши керак эди.

Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсининг даромадлари, бундан дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромадлар мустасно, 12 физик ставка бўйича солиқ солиниши, 183-моддасига асосан календарь йил солиқ даври, йил охи даромад тўлаш манбаидан жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини ушлаб қолувчилар учун ҳисобот даври эканлиги, 176-моддасида жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари тарихига мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар кириши кўрсатилган.

Мазкур Кодекснинг 184-моддасига кўра, жисмоний шахсларнинг даромадлари солиқларидан солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти, агар ушбу Кодекснинг 194-моддасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса,

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШИМИЗ "18 ЁШЛИ" АЁЛГА ЧУВ ТУШДИ

1982 ЙИЛДА Наманган вилоятининг Уйчи туманида туғилган Ойқиз Алимованин (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳозирги кунга ҳам бўлган "ҳаёт йўли" жафокаш ўзбек аёлининг турмуш тарзига мутлақо ётдир. О.Алимова дастлаб, 25 ёшида талончилик жиноятини содир этиб, 2007 йил 15 июнда жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукмига кўра, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Афсуски, судланганлик "тамғаси" О.Алимовага сабоқ бўлмади. Жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққан, 2020 йилнинг июнь ойига қадар, 1 эмас, 2 эмас, 3 эмас, нақд 8 марта суднинг қора курсисидан "жой олди". Талончилик, ўғрилик, фирибгарлик каби жиноятлар унинг доимий "касб"ига айланди.

2019 йилнинг 24 сентябрдаги жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг ажримига асосан тайинланган 2 йилу 7 ой 9 кун ахлоқ туза тиши ишлари жазоси Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинган вақтда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан қочиб, қуйдаги суд очеркимиз ёзлишига сабаб бўлган жиноятларини содир этди.

Қидирув эълон қилинганидан хабар топган хавфли рецидивист О.Алимова энди Уйчидаги уйда яшамай, Норин туманидаги танишлариникида беркинби, яшаб юрди.

2019 йилнинг октябр ойи бошларида О.Алимова Норин туманидан Наманган шаҳрига келиб, таниши Зафар исмиги киракш орқали ўз фуқаролик паспортига ... 89-83 рақамли сим-карта олиб, ушбу рақамга телеграм очиб, ундан фойдаланиб юрди.

Уша кезларда О.Алимова телеграм ижтимоий тармоғида Миср Араб Республикасида жойлашган "ал-Азхар" университетига таҳсил олаётган асли наманганлик Сардор исмиги талаба йигит билан танишиб қолади. Маққора аёл ўзини 18 ёш деб таништириб, 2000 йилда туғилганлигини, исми Зилола бўлиб, отаси вилоят ИИБ бошлиғи бўлганлигини айтиб, шахси ҳақида нотўғри маълумот бериб, олисдаги талабани аглаб, "илинтиради". Вилоятдаги нуфузли бошқарма раҳбарини "қизи" билан танишган Сардорбек Ойқиз билан телеграм орқали гаплашиб юриб, уни Миср давлатига саёҳатга таклиф қилади. Ойқиз "борардим-у, лекин самолётга билет олишга пулим йўқ-да", деб ёзиб юборади. Шунда Сардор унга Тошкент шаҳридаги танишига 150 АҚШ доллари юборишини, ундан бориб, пулни олиб самолётга билет

олишини айтади. Ойқиз пулни олгани Тошкент шаҳрига борганида, сирини олиб қолшидан чўчиб, пул берувчи йигитга ўзини "Зилоланинг холисан", деб таништиради. Сардорга ҳам "Юсуборган пулиниги холам бориб олди-лар", деб ёзиб юборади. Орадан бир-икки кун вақт ўтиб, Сардор "Билет олдингизми, қаердан учадиган бўлдингиз?", деб Зилоладан сўрайди. Зилола Самарқанддан учадиган самолётга билет олганини айтади.

Сардор Зилолага Тошкент шаҳридан бири киши унга пул бериб юборишини, шу пулни унга олиб келиб беришини илтимос қилади. Келишишдан кун Тошкент шаҳрида "Жасмин" мини-маркети олдига нотаниш бири йигит келиб, Зилолага Сардорга етказишини тайинлаб, 1400 АҚШ доллари бериб кетади.

Самарқанддан учинини ашитган Сардор Зилолага яна бир илтимос қилади. Самарқанднинг йўлида жойлашган Галларол туманида унинг йўлига Камолхон ака исмиги киши чиқиб туриб, у билан бирга таҳсил олаётган укаси Фазлидинга пул бериб юборишини айтади. Зилола Тошкентдан Самарқанд шаҳрига олиб бориб, қайтариб келиб қўйиш шарт билан 100 АҚШ доллари нотаниш машинани ёллаб, "Қайдасан Самарқанд?", дея йўлга чиқади.

Жизза вилоятининг Галларол туманига етиб келган вақтида Сардор унинг телефон рақамига кўнгирак қилади. Хуллас, Камолхон ака ҳам унга 1780 АҚШ доллари беради. Бир зумда "бойвучча"га айланган О.Алимова бундан кейин Сардор уни топа олмаслиги бундан киноларда кўрганидек, телефондан сим-картани чиқариб, уни синдириб ташлаб юборади ва кечгача Самарқанд шаҳрини айланб, бели оғримай "топган" пуллари ўз эҳтиёжига ишлатиб, Тошкентга қайтиб кетади...

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача" деганларидек, О.Алимованинг кайфу сафо қилиб юриши унчалик узоққа бормади.

Жорий йилнинг 25 январь куни хавфли рецидивист ҳуқуқни муҳофаза қилиш

юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари зиммасига юклатилади. Жисмоний шахсларнинг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига мулкий даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистондаги доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса, шунингдек, ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳолларда кириши белгиланган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 185-моддасига асосан тўлов манбаида солиқ солиш солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ агентлари томонидан амалга оширилади. Солиқ агентлари солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 184-моддасида кўрсатилган даромадларидан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинмаган солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, мазкур пул маблағлари ҳақиқатда солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига биноан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Лекин даъвогар вакили даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишига эътибор бермасдан, фақат тузилган шартномаларга қараб даромад солиғини ҳисоблаб, жавобгардан ундиришни сўраган.

Шунга кўра, даъво талаби асоссиз бўлганлиги ва исботлаб берилмаганлиги учун суд томонидан даъвоини қаноатлантриш рад этилди. Содада қилиб айтганда, солиқ идорасининг сўзи "синди".

Сабит ЖАКЕЕВ,
Кармана туманлараро
иқтисодий суди судьяси

органлари томонидан қўлга олинди. Тергов-суриштирув жараёнилари давомида маққора аёл барча қилмишларини тан олиб, жабрланувчилардан олинган 3180 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини ўз эгаларига қайтарди.

Халқимизда оқибатноблик ва кеңиримлик каби юксак инсонийлик фазилат ҳамиша қадрланади. Жабрланувчилар маққора аёлга маънавий зарарлар бўйича ҳеч қандай даъво ва эътирозлар йўқлигини айтиб, аёл киши бўлганлиги учун уни кечирганликларини маълум қилдилар.

Жиноят ишлари бўйича Галларол туман суди ҳайъати ҳолатни синчковлик билан ўрганб чиқиб, О.Алимованин "сўнгги" ишлари учун Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, "б" бандида кўрсатилган жиноятини содир қилганлига айбни деб топиб, унга шу модда билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ туза тиши ишлари жазоси тайинлади.

Суд Жиноят кодексининг 61-моддасига асосан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, "б" банди билан тайинланган 2 йил ахлоқ туза тиши ишлари жазоси, 8 ой озодликдан маҳрум қилиш ишларига тенглаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2019 йил 24 сентябрдаги ажрими билан тайинланган 2 йилу 7 ой 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибда қисман қўшилиб, тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўталishi белгиланиб, эҳтиёт чораси аслича қамқода қолдирилиб, узил-кесил 2 йилу 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

О.Алимова аввал умумий колонияларда жазо муддатини ўтаган чоғида йиғолмаган "эс"ини, энди қаттиқ тартибли колонияда ўтар пайтда "йигиб" олса, не ажаб!

Улугбек ХИДИРБАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Галларол туман суди раиси,
Шухрат СУЯРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Мавҳум тасаввур

Карел ЧАПЕК

— ВИЖДОН нима ўзи? — дея сўз бошлади пан Лацина. — Менимча, ҳозир бу сўз бошқачароқ маънода ишлатилади. Балким, уни эндиликда “мавҳум тасаввурлар” тоифасига киритса бўлар, ҳайтовур, сизу бизга барибир эмасми? Билмадим, сизлар фабриканти Гирке воқеасини эшитганмисизлар, йўқми, уни жудаям бой ва обрўли, қадди-қомати келишган, пахлавон келбатли жаноб, дейишарди.

Анчадан бери сўққабош экан. У ҳақда ҳеч ким бошқа ҳеч нарса билмасди. Хуллас у ана шундай одамови, сирли ва ўзига хос киши эди. У қирққа кирганида эндигина ун еттига тўлган, кўғирчоқдекки дундиқчани севиб, унга уйланди. Юрагида кўри, белида қуввати бор эканда бояқшининг. Ҳақиқий гўзалликдан гоҳида одамнинг юраги гаш тортади, баъзан нимагадир ичинг ачиша бошлайди, баъзан қалбингга недир нафосат оқиб кирганини сезмайсан, ишқилиб шунанга-да! Гирке ана шундай латофатли қизга уйланганди — у жудаям бадавлат, қўли узун одам эди-да!

Келин-куёв асал ойнаи ўтказиш учун Италияга жўнаб кетиши. У ерда галати бир ҳодиса юз берди. Венециядаги машҳур черков минорасига чиқишган, Гирке у ердан пастга қараган — айтишларича, у ердан ҳаммаёқ жуда чиройли кўринаркан, — шунда Гиркенинг ранги оқариб, хотинига юзланган-да, худди аралланган дарахтдек унинг оёқлари остига қўлаб тушган. Шундан бери Гирке янада одамови бўлиб қолди. У ўзини худди ҳеч нарса бўлмагандек тутишга ҳаракат қилса-да, ташқи кўриниши анчайин ўзгарган, безовталиги яққол сезилиб турарди.

Хуллас, ўшанда хотини жуда қаттиқ хавотирга тушган ва эрини олиб дарров уйга қайтган. Уларнинг уйи жуда чиройли, ҳашаматли бўлиб, деразалари шаҳар хиёбонига қараб турарди. Гиркенинг руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам ана шундан кейин бошланди. У ҳар доим деразаларнинг ёнидан кетмас, уларнинг ёпилган-ёпилмаганини текшириб юрарди. Кутилмаганда ўтирган жойидан сапчиб турарди-да, яна деразалар томонга югурарди. Ҳатто, кечалари ҳам худди арвоҳдек бутун уй бўйлаб изғир, ҳамма саволларга боши тинимсиз айланаётгани, деразалар очқилиги ва уларни дарҳол тамбалаб олиши кераклигини айтиб гўлдирадди. Шунда хотини ҳамма деразаларга панжара ўрнатиш кераклигини айтиди. Бу тадбир бир неча кунгагина асқотди. Гирке бироз тинчланди, аммо кўп ўтмай, дераза панжараларининг мустаҳкам ёки омонат эканини билиш учун силкитиб кўришга тушди. Бу пайтда барча деразаларга мустаҳкам пўлат тўсиқлар қотирилган, эр-хотин бу ерда худди қамоқхонадаги маҳбуслар мақомида эдилар. Гирке маълум муддат хотиржам юрди. Аммо кейинчалик зинаполярдан тушаётганда ҳам боши тинимсиз айлана бошлаганини ҳис этди. У энди фалажга учрагандек зинапоя тутқичларини ушлаб араг юрар, бу аснода нақд қора терга ботиб кетар, зинанинг қоқ ярмида ўтирганча худди безгак тутгандек қалтирарди.

Табиики, имкон даражасида шифокорларга мурожаат қилинди. Уларнинг бири ишонч билан

бош айланиши организмнинг кучли зўриқиши натижаси, деса, бошқаси қулоқ соҳасидаги қандайдир касаллик белгиси сифатида баҳолади. Яна бирови қабзият, деб ташхис қўйса, тўртинчиси мия ярим шарлари фаолиятининг бузилиши билан боғлади.

Яна бир таниқли мутахассис уни турфа қийноқларга солиб, янгича усуллар билан даволаб кўрмоқчи бўлди. Яхшиямки, Гирке ҳали бақувват, соғлом, иродали йигит экан, ҳаммасига чидади. Аммо ҳозир у ўрнидан ҳам кўзгалолмай қолганди. Ҳатто, полга қарashi билан кўз олди қоронғилашиб, боши тинимсиз айланарди. У эндиликда фақат кўзларини ҳам оқмасдан, креслосида ҳаракатсиз ўтирар ва елкаларини силкитиб унсиз йиғларди.

Ўша пайтларда аллақандай янги доктор, невропатолог Шпитц ҳақидаги гап-сўзлар аён бўлганди. У айнан мавҳум тасаввурлар бўйича мутахассис экан. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай одамда ҳаёти давомида онг остида хилма-хил кўрқинчли тасаввурлар, нохуш хотиралар, соғинч ва эҳтирослар сақланиб қолар, вақти-вақти билан улар уйғониб, одамнинг руҳиятида тушунисиз зиддиятлар, асабий зўриқиш ва касалликларни келтириб чиқараркан. Агар шифокор ана шу муҳиш тасаввурни аниқлаб, миядан сиқиб чиқара олса, бемор ўзини енгил ҳис қилиши, ҳатто бутунлай соғайиб кетиши ҳам мумкин экан. Фақат, шифокор руҳий таҳлил ёрдамида беморнинг ишончини тўлатиш забот этолсагина, уни азоб-лаётган эски хотира, тасаввур ёхуд тушдаги алаҳсираш асоратини илғай оларкан. Шундан сўнг шифокор айтар эканки: “Оғайни-чилиш, бир пайтлар Сизнинг ҳаётингизда шундай-шундай иш бўлган экан-у (бу жуда уятли бирор иш бўлиши ҳам мумкин) шу нарса Сизнинг хотирангизда қайта-қайта жонланавериб, ҳоли-жонингизга қўймапти, бизнинг бу руҳий жароҳат, деб аталади. Энди биз бу жароҳатни тодлик. Сиз ундан тамомлаида кутулдим, деб ҳисоблайверинг, энди Сиз соппа-соғисиз”, дер экану, шу билан олам гулистон.

Лекин тан олиш керакки, шу дўхтир чин маънода мўъжиза яратди. Сиз айнан мавҳум тасаввурлардан қанчадан-қанча бойлар азият чекишини ақлингизга ҳам сифдорламайсиз. Бу

нарсалар камбағалларни кам безовта қилади. Хулласи калом Гиркени тиббиёт оламининг казо-казолари текшириб кўриб, бирор илож тополмагач, шу Шпитцга мурожаат қилишди. Шпитц эса, бу ҳақда эшитиши билан бош айланиши айнан асаб билан боғлиқ экани, бу хасталиқдан осонгина қутулиш мумкинлигини айтди. Фақат, шу Гирке деганлари билан гаплашиб осон кечмади. Бемор унинг саволларига чайнала-чайнала аранг жавоб қайтарди, кейин эса, докторга эшикни орқасидан берктилишни буюрди. Шпитц қаттиқ ҳаяжонда эди. Бунақа руҳий тушқунлик беморнинг обрў-эътиборига ҳам соя соларди-да! Бу ҳолат асаб касалликлари орасида жуда камбў ҳодиса саналарди. Иккинчи тарафдан, бечора, ўн гулидан бир гули очилмаган пани Ирма... шундай қилиб, бизнинг дўхтир шу ишга жон-жаҳди билан киришди. “Мен Гиркедаги ўша мавҳум тасаввур ёхуд муҳиш хотирани топишим ва ундан халос этишим керак, буни уддалолмасам, тиббиётни тарк этиб, дўнгона бориб, хотинларнинг кийимини сотганим бўлсин”, дея ўзига ўзи аҳд қилди дўхтир Шпитц.

У руҳий таҳлилнинг янги усулини қўллашга қарор қилди. Даставвал, Гиркенинг яқин қариндош-уруғлари, ака-укаларга, тоғаю аммалари, божаю қайноғалари билан танишиб, уларнинг ишончига кириб олди. Тажрибали дўхтир диққат билан тинглай билиши керак. Қариндош-уруғлар дўхтирнинг назокати, хушмуомалалиги, самимиятига тан беришди. Алалоқибат, дўхтир бирдангина жиддий қиёфага кирди-да, бир нуфузли идорага мурожаат қилиб, маълум бир манзилга иккита ишончли масъул ходимни жўнатишни сўради. Ходимлар ишни унинг фойдасига ҳал этиб қайтган, Шпитц уларни рози қилиб, тўппа-тўғри Гиркенинг уйига йўл олди. У ҳамон нимқоронги сабабини билишми керак. Сиз қандайдир мавҳум тасаввурни онгингизга ҳайдаб киритгансиз.

— Жаноб, — деди унга дўхтир Шпитц. — Сизни ортиқча безовта қилиб ўтирмайман. Истамсангиз, саволларимга жавоб бермайсизми ҳам мумкин. Мен қандай бўлмасин, бошингиз айланиши сабабини билишми керак. Сиз қандайдир мавҳум тасаввурни онгингизга ҳайдаб киритгансиз.

У эса, Сизнинг соғлигингизни бутунлай издан чиқараётир.

— Сизни ким қақирди, ўзи дўхтир? — хириллаудек бўлиб, бирор илож тополмагач, шу Шпитцга мурожаат қилишди.

— Сабр, — деди дўхтир, — бир дақиқа сабр қиласиз. Венециядаги черков минорасига чиққанингизда, бошингиз айланишидан сал аввалроқ, — яхшилаб эсланг, жаноб, — нимани ҳис қилгансиз?

Гирке қўлини тугмадан олмай, турган ерида қотиб қолди.

— Сиз, — давом этди дўхтир, — Сиз ўзингизда жуда дахшатли, ақлга сиймайдиган бир ёввойи хоҳиш — ёш ва гўзал хотинингизни ана шу минорадан итариб юбориш истагини ҳис этгансиз. Аммо Сиз уни телбаларча севардингиз ва шунда ичингизда кучли бир зиддият пайдо бўлди ва у кучли руҳий изтироб туфайли заифлашди. Шунда Сиз мувозанатни йўқотиб, йиқилиб тушдингиз, тўғрими?

Жимлик чўқди. Фақат, кўнги-роқ тугмасига узанган қўл шалвираб тушди.

— Ўшандан бери, — сўзида давом этди дўхтир — Сиз ана шу тушунисиз бош айланишга мубтало бўлдингиз. Шундан бери Сиз деразаларни тамбалаб, юқоридан пастга қарашга ботинолмай қолдингиз. Чунки Сиз қачондир пани Ирмани пастга ташлаб юборишингиз мумкинлигидан ўлгудек қўрқардингиз.

Гирке худди ваҳший ҳайвондек наъра торди.

— Ҳа, — дўхтир сўзида давом этарди. — Энди эса, жаноб, ўз-ўзидан савол туғилди: бу мавҳум, ёпишқоқ тасаввур Сизда қаердан пайдо бўлди? Сиз, жаноб Гирке, ўн саккиз йил аввал ҳам уйланган эдингиз. Биринчи хотинингиз Альп тоғларига саёҳатингиз пайтида вафот этган. У Хоэ Ванд тоғига чиқётган пайти пастга қўлаб тушган ва унинг барча мол-мулки Сизга мерос қолган.

Хонада фақатгина Гиркенинг жон ҳолида ҳансираб нафас олиши эшитиларди.

— Гирке! — тантанавор хитоб қилди доктор Шпитц. — Тан олдинг, биринчи хотинингизни ўзингиз ўлдиргансиз. Сиз уни жарликка итариб юборгансиз. Шунинг учун, — қулоқ солинг, — шунинг учун Сизга худди иккинчи, сеvimли хотинингизни ҳам шу тариқа ўлдириб юбориш

керакдек туюлаверган. Шу сабабли Сиз баландикдан ўлгудек қўрқиб қолгансиз. Шунинг учун Сизни муттасил бош айланиши безовта қилаяпти.

— Дўхтир! — ўзини тўхтата олмай, ўкириб юборди бемор. — Дўхтир, айтинг, энди мен нима қилай? Нима қилай, айтинг?

Дўхтир Шпитцнинг юзи бирдан ҳамдард тус олди.

— Жаноб, — деди кўрсиниб, — агар мен такводор одам бўлганимда, Сизга қонун олдида бош эгиб, тегишли жазойингизни олишини маслаҳат берган бўлардим. Аммо одатда, шифокорларнинг ақсарияти менга ўхшаб, Худого ишониймайди. Нима қилиш кераклигини ўзингиз ҳал қилинг. Тиббий нуқтаи назардан Сиз, менимча, соппа-соғисиз. Қани, ўрнингиздан туринг-чи, пан Гирке!

Гирке бўрдек оқариб ўрнидан турди.

— Ҳўш, қалай, — сўради дўхтир. — Энди бошингиз айланимаяптими?

Гирке бош чайқайди.

— Ана кўраясизми, — деди дўхтир. — Энди бошқа асар-аломатлар ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Бошингиз айланиши айнан ўша мавҳум тасаввур натижаси эди, холос. Биз уни аниқладик, энди ўз-ўзидан йўқолиши табиий. Бемалол дераздан пастга қарашингиз мумкин. Қалай? Зўрми? Менимча, бошингиз айланма-япти. Ҳаммасиздан кутулдингиз, пан Гирке! Сиз, менинг шифокорлик амалиётим давомидаги энг ноёб ҳодисасиз. — Дўхтир Шпитц хурсандчиликдан қарсақ чалиб юборди. — Сиз мутлақо соғломсиз. Пани Ирмани қақирмас бўладими? Йўқ? Тушундим, демак, Сиз унга сюрприз қилмоқчисиз! Ё раббим! Бечора Сизни оёққа туриб кетганингизни кўрса, қанчалик қувонади. Қаранг, фан қандай мўъжизаларга қодир!

Ўз муваффақиятидан чеқиниб завқ-шавққа тўлган Шпитц сурункасига икки соат вайсагга ҳам тайёр эди. Аммо ҳозир пан Гиркега осойишталик кераклигини англаб, унга қувватга кириши учун бир-иккита дори-дармон ёзиб, кетишга ижозат сўради.

— Мен Сизни кузатиб қўяман, — деди Гирке тавозе билан ва дўхтирни зинапоя майдончасига қадар кузатиб чиқди. — Ажойиб. Бош айланишидан асар ҳам қолмабди.

— Худого шуқр, — енгил тин олди Шпитц. — Сиз ўзингизни тамомла соғайиб кетгандек ҳис қилаётгандирсиз?

— Худди шундай, — сокин жавоб қайтарди Гирке зинапоядан пастга тушиб кетаётган шифокорни кузатиб қоларкан.

Дўхтир кўча эшикни ёпиши билан орқадан қаттиқ гурсиллаган овоз эшитилди. Гиркенинг зинапоя тагидан топишганда, жони узилган, аъзойи бадани моматоқ бўлганди. У йиқилган пайтда боши зинапоянинг пўлат панжарасига зарб билан урилган экан.

Дўхтир Шпитцга шу ҳақда хабар қилишганда, у галати нигоҳ билан анчагача бўшлиққа тикилиб қолди. Кейин ўз беморларини қайд қилиб борадиган журналини очди-да, Гиркенинг фамилияси қаршида шу кунги сана ва “Suicidium” сўзини битиб қўйди. Энди бу, сизу биз тушунадиган тилда “ўзини ўзи ўлдириш”, деган маънони аниқлатса керак.

Рус тилидан Рустам ЖАББОРОВ таржимаси.



Питнақдаги
“ЗАМИН”
қурилиш сервис МЧЖ жамоаси

Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган Питнақдаги **“ЗАМИН”** қурилиш сервис МЧЖ жамоаси барча ватандошларимизни Истиқлолнинг нурли айёми, озодлик шодиёнаси билан қутлайди.

Ҳар кунидан бахт, ҳар ишидан барака топаётган заҳматкаш элнинг қадрни доимо баланд бўлсин!



**Хоразм вилоятидаги
“HUDUDGAZ ХОРАЗМ”
газ таъминоти филиали
жамоаси**

Хонадонларга ва кўнгилларга илиқ ҳарорат улашаётган “Hududgaz Xorazm” газ таъминоти филиали жамоаси барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлол тантанаси билан чин юракдан муборакбод этади.

Ҳамиша юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин! Яратган ҳар бир ишда барчамизга мадад берсин, барака берсин!

*Истиқлол айёми
абдий бўлсин!*

**ХОРАЗМ ҚУРИЛИШ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**
меҳнаткаш ва мард элимизни
Истиқлолимизнинг 29 йиллиги
шодиёнаси билан самимий му-
боракбод этади.

**Улкан бунёдкорлик ишла-
рини амалга ошира-
ётган, қишлоқлари-
мизни шаҳарларга
айлантираётган, ул-
кан меъморчилик ан-
дазалари билан дунёни
ҳайратга солаётган
қўли гул қурувчиларга
ташаккур!**

*Юртимиз жамоли,
ғўзаллиги Сизнинг қўлингизда.
Мустақилликнинг
маҳобатли иморатлари кўкка
бўй қўзаверсин!*

**ХОРАЗМ
ҚУРИЛИШ
БОШҚАРМАСИ
ЖАМОАСИ**



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга “Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!”, деган бош ғояни ўзида мужассам этган ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастури доирасида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий қудратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошиб бораётгани, пандемия шароитида ҳам давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар изчил давом этаётганини ҳаётий мисоллар ва илмий асосланган таҳлиллар асосида ҳолис ва ҳаққоний ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

“Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

ШУНИНГДЕК, ТАНЛОВ ДОИРАСИДА МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ ЎТТИЗ ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОСМА ОАВ, ВЕБ-САЙТ, ТЕЛЕКАНАЛ ВА РАДИОКАНАЛЛАР ИЖОДКОРЛАРИ УЧУН ҲАР БИР ЙўНАЛИШ БўЙИЧА БИТТАДАН

“ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН” РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ НОМИНАЦИЯ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА.

ЭСЛАТМА:

ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари
 битта китобдан, кино санъати асарлари
 битта тўлиқ метражли киноасардан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари
 учтадан кам бўлмаслиги лозим.

КўШИМЧА МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИНИНГ 71 244-32-33 ТЕЛЕФОН РАҚАМИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” шiori остида Республика танловини эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий гуруҳ ҳиссини тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, яна муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашушни ривожлантиришдан иборат.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар аҳоли ҳамда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижтимоий фаоллиги ва миллат тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш, китобхонлик маданияти, ёзма ва оғзаки саводхонлигини ошириш, ёш авлодда ўзбек тилига нисбатан миллий гуруҳ ҳиссини шакллантириш, улар қалбида умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни тарбиялашга, шунингдек, ижодий ишларда чет эллардаги ватандошларимиз ва ўзбек тилини севувчи хорижликларнинг ўзбек тилига муҳаббати ва эътиборини намойиш этиш, ўзбек тилининг амалдаги халқаро мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Ўзбек тилининг амалдаги мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, давлат тилига оид муаммоларни ҳам этишга кенг жамоатчиликнинг ижодий ёндашушни ривожлантириш; таълим муассасалари, давлат идоралари, меҳнат жамоаларида намойиш этиш ҳамда ҳалқ орасида кенг оммалаштириш учун ўзбек тили ва адабиётига доир ижодий ишлар жамланмасини яратиш; иқтисодий ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, уларнинг давлат тилини тарғиб қилувчи ижод намуналарини рағбатлантириш ва оммалаштириш танловнинг асосий мақсадларидир.

ТАНЛОВ қуйидаги номинацияларда ўтказилади:

1. **Энг яхши бадий асар** (шеърый асар — 30 мисрагача; насрий ҳикоя — ҳажми 3600 босма белгигача).
2. **Энг яхши публицистик мақола** (очерк, лавҳа — ҳажми 5400 босма белгигача).
3. **Ўзбек тилининг хориждаги энг яхши тарғиботи** (ўзбек миллиятига мансуб ёки чет эл фуқаролари томонидан яратилган хорижда ўзбек тилини тарғиб қилишга қаратилган илмий, бадий, муסיкий асарлар ҳамда аудио, видео маҳсулотлар).
4. **Энг яхши ижтимоий роликлар** (аудио, видеороликнинг давомийлиги 3 дақиқагача).

Танлов ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Энг намунали, ғоявий-бадий пишиқ ижодий ишлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 20 сентябрига қадар “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” сарлавҳаси остида info@til.gov.uz электрон почтаси ёки @tiluz_bot телеграм манзили орқали он-лайн қабул қилинади.

ТАНЛОВ НОЗАСИДАН КўШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ WWW.TIL.GOV.UZ, WWW.MANAVIYAT.UZ САЙТЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИНИНГ ТАНЛОВ БўЙИЧА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ МУҲТАРАМА УЛУҒОВА (99 847-69-41), ДИЛМУРОД ДўСТБЕКОВ (97 752-33-99) БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ БОГЛАНИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЭЪЛОНЛАР

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Мамадиёва Зулфияга 2018 йил 28 декабрда берилган КС 000155-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 154-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 20 июлдаги 147-ум-сонли буйруғига асосан Топилов Улугбек Рузиқулловичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлигини маълум қилади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 11 августдаги 16-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳрида фаолият олиб бораётган “Адолат” адвокатлик бюроси

адвокати Убайдуллаев Турдимуратга 2018 йил 27 декабрда берилган ГЗ 000018-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2018 йил 27 декабрда берилган 018-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг вафот этганлиги муносабати билан тугатилди.

Андижон шаҳар, 1-кичик даҳа, 8-уй, 53-хонадонда яшовчи фуқаро Дехканов Абдунаби Латигжановичнинг 2020 йил 24 июлдаги аризага кўра, бошқарманинг жорий йил 28 июлдаги буйруғига асосан унинг номига 2018 йил 19 декабрда берилган АН №000071 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбе-

кистон Республикасининг Қонунига асосан бошқарманинг 2020 йил 15 июлдаги буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд конунчилари” адвокатлар ҳайъати адвокати Амридинов Джамшед Жамолидиновига 2018 йил 2 апрелда берилган СА 000370-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан бошқарманинг 2020 йил 15 июлдаги буйруғига асосан адвокат Ишнязов Камаридинга 2018 йил 29 декабрда берилган СА 000347-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни имплементация қилиш бўлими мудири, юридик фанлар номзоди, доцент **Абдулхай МўМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг Ташкилий назорат ва таҳлил ишлари бўлими бошлиғи Фарҳод Рустамовга отаси **Эргаш ҲАЙДАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjustuz

133N 2020-7817

47201078008

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқупов Ахбар Жўрабоевич

Рабиёв Шерзод Миржалипович

Тожиёв Фурқат Шомуродович

Исқандаров Ербек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган кўлибмақаллар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи

Дилфуза Эргашева

Саҳифаловчи-дизайнер

Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4800

Буюртма — V-4287

Топшириш вақти — 19:00

Топшириди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишчилган нарҳда

1 2 3 4 5